

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

## ЎЗБЕГИМНИНГ "ҚУШЧИНОР"ЛАРИ



хонадон аъзоларида "сеники-меники" деган қараш йўқ. Узаро аҳиллик, меҳроқибат уларга хос фазилат.

Ўрозали ота билан "Бирлик" кишлоқ фуқаролар йиғини идорасида учрашганимиз... Мухбир эканлигимни билган отахон аёли ҳақида сўзлаб берди. Дилимда ая билан танишиш ҳаваси уйғонди.

Сартамғали маҳалласидаги бу хонадонда мени ўзбекона лутф, очик юз билан қарши олишди. Ўрозали ота ва Шарофат ая Хусановлар 55 йилдирки, бу мўъжаз ватаннинг боғбони, ҳам сарбони. Улар босиб ўтган йўл меҳнатқаш ва танти халқимиз тарихининг шонли бир саҳифаси, дея оламиз.

**- Отахон сиз ҳақингизда хўп мақтов сўзлар айтди. Оилада ҳам, жамиятда ҳам кўп мартабаларга эришиб-сиз. Шулар ҳақида гапириб беринг, - сўрайман аядан...**

Ўз даврининг зарбдор аёли бўлган онахон жилмайиб, меҳмоннавозли кўрсатади. Ота-хондан аввал сўзлашни хаёлга ҳам келтирмайди, чоғи. Онахон қиёфасида ўзбек аёлларига хос улугворликни кўргандек бўламан.

- Усмирлигимиз II-жаҳон урушига тўғри келди, - дея эслайди Ўрозали ота. - Куну тун ишлаймиз. Сира чарчаш билмаймиз. Катталар насиҳатини олиб, иш буюришса, "хўп", дер эдик. Урушдан кейинги оғир йилларда ҳам борига қаноат қилдик. Давлат мулкига, молига сира ҳиёнат қилма-

дик. Чорва ортидан тоғ-қирларда кўчиб юрдик. Аянғиз доимо мен билан бирга бўлди... Ота-онамдан бир йилда айрилдим. Оғир жудолик дамларида ҳам менга ҳамдард, суянч бўлди.

Ўрозали Хусанов чорвачилик соҳасида 52 йил ишлади. Шарофат ая ҳам улар билан ёнма-ён меҳнат қилди. Қайнонаси каби илгор соғувчи бўлди. Тилсиз гувоҳлар, қатор орден-медаллар, ёрликлар, депутатлик нишонлари оддий ўзбек аёлининг улкан меҳнатидан нишона. Она сифатида 9 фарзандни воёга етказдилар. 4 йил тўшакда ётган қайнонасига ҳамдард бўла олди. Бугун ўзи эътиборли қайнона, суюкли буви. Келинлари Меҳрихон, Зухра, Гулчехра, Қизилгул бу хонадоннинг ўз қизлари бўлиб қолишган.

**- Келинларнинг энг яхисис қай бири? - сўрайман аядан.**

- Барчаси яхши, одобли, меҳнатқаш. Бир лагандан ош еб, барча ишни баҳамжиҳат ҳал қилишади.

Бу аҳил, иноқликнинг сабаби қайнота-қайнонанинг барча келинларни тенг кўришида бўлса керак. Тўнғич келин Меҳрихон ҳам соғувчи. Қизлари Зайнаб, Зумрад, Зарифа - педагог, соғувчи, ишчи. Катта ўғил Холаҳмад ота касбини танлаган. Авазбек, Рустам, Илҳом - Олмалиқ маъданчилик қорхонасида меҳнат қилишади. Жамоада обрў-эътиборга эга, тотув-файзли хонадон сохиблари. Гарчи фарзандлар алоҳида яшашса-да, бу

дўхтирларга даволатдик. Бобо-бувисининг ҳиқоясини ҳавас билан тинглаётган Сарвинозни суҳбатга тортаман. У 9 синфда ўқийди.

**- Бобо-бувининг қайси хислатлари сизга ёқди?**

- Меҳрибонликлари, меҳнатқашликлари...

Ўрозали ота ва Шарофат аянинг ҳаёт йўли нафақат фарзандлари учун, балки бугунги авлод учун муҳим ҳаётий мактаб бўла олади. Бу хонадонда ҳамиша тотувлик ва файзу барака ҳукм суради. Сабаби, ҳамиша бирга меҳнат қилиб, турмуш аравасини баробар тортиб келдик, дея изоҳ беришда суҳбатдошларим, Ҳаёт қувончлари, рўзгор ташвишларини баҳам кўрдик. Ҳаёт зарбаси, фарзанд доғини ҳам бирга кўтардик.

Ўқтам ўғлон Толибжон Чернобилъ фожеаси асоратидан бу дунёни эрта тарк этди. Бобо-бувиси қалбидан нур олаётган Муҳайё ундан ёлғиз ёдгор... Кичик қиз Иродахон эса ота-она меҳрига, эътиборига муҳтож...

Ўрозали ота ва Шарофат аяни йиллар шиддатида дош бера олган азим чинорларга менгаддим. Агар тарих тилга киролса, умрини меҳнат билан беазаган танти ва бардошли бу инсонларга меҳнат дostonи яратилар ва шубҳасиз, бу дoston келажак авлод учун фахр-ифтихор тимсоли бўла оларди.

Райхон САЛАЕВА



## СУРАТЛАРДА СОҒИНЧ БОР...

Яқинда Ўзбекистон Бадий академиясининг Кўргазмалар залида бўлиб ўтган тадбир "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган "Камалак жилоси" кўрик танловининг 10 йиллигига бағишланди. Қарийб ўн йилдан буён аъёнанивий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танловдан асосий мақсад - ўсиб келаётган ёш авлоднинг қалбида таъсирий санъат ва бадий ижодга меҳр уйғотиш, ўз бадий истеъдодларини намоён этишга имконият яратишдир.

Бу йилги кўрик танловга 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган 1500 нафар болалар қатнашишди.

Кўргазмага тақдим этилган асарларни томоша қиларкансиз, уларнинг ҳар бирида соғинч, меҳрга ташналик акс этганини кўрасиз.

Тадбир ниятида ғолиблар ва тадбир иштирокчиларига "Соғлом авлод учун", "Сен ёлғиз эмассан!" жамғармалари, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ва Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ижодкор болалардан 60 нафари республика босқичига йўланма олдилар.

Ахборот

## СОҒЛОМ ҲАФТАЛИК!

БМТнинг Болалар жамғармаси - ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси "Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан "Унни бойитиш бўйича" Миллий дастур доирасида мамлакатимизнинг барча мактаб ўқувчилари орасида "Соғлом ҳафта" тадбирини ўтказмоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 30 апрел-

дан 7 майгача ўтказилган бу тадбир давомида беш миллиондан ортиқ мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари микроэлементлар билан бойитилган ун ва йодланган тузни истеъмол қилишнинг ижобий таъсири ҳақида билиб олишади.

Шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги 195-мактабда ҳам ўтказилди.



## ҚУВНАБ ЎСГИН, БОЛАЖОН!

Яқинда Тошкент шаҳридаги Мирзо Улугбек номли истироҳат боғида "Ижтимоий ҳимоя йили"га бағишланган хайр-саҳоват тадбири бўлиб ўтди.

"Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан ўтказилган бу хайрия акциясида аҳолининг ногирон, кекса, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари қатнашдилар.

Бундан олдин ҳам "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ташаббуси билан юртимизнинг кўплаб шаҳарларида "Кўчат эк!", "Катталар болаларга!", "Оқ йўл!" каби хайрия тадбирлари ўтказилганди. Бу йил эса ушбу тадбирдан тушган пулга Чилонзор туманидаги боғчалардан бирининг ёриткичлари таъмирланди.

МИРОБИД  
БАСИРА

## САҲОВАТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан пойтахтимиздаги Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат боғида хайр-саҳоват акцияси ўтказилди. Тадбирга меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳамда кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари таклиф этилдилар. Меҳмонларга дастурхон ёзилиб, сумалак, палов сингари миллий таомлар тарқатилди.

Нурилла НУЪМОНОВ,

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги "Ёш журналистлар" клуби аъзоси.

## ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ ҚАДРИ

Амир Темура музейида Хотира куни муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси, "Хотира майдони" жамоатчилик жамғармаси ҳамкорлигида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги заҳматли меҳнати, меҳру саҳовати ҳақида гапирилди. Тадбирда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Иномова қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ахборот

Ўз мухбиримиз

# ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?



Хар бир ўсмир ўғил ёки қиз 13-16 ёшда организмда бўладиган физиологик ўзгаришларни билиши лозим. Улар ўсмирлик даврининг бошланиши жуда масъулиятли давр эканлигини унутмасликлари керак. Шундай экан, соғлом авлод яратиш учун куйидаги маслаҳатларни билишлари ва уларга амал қилишлари фойдалидир.

1. Ўсмирларнинг балоғатга етиш даври сирларини билмасликлари, кўпинча нохуш оқибатларга олиб келади. Бундай ҳол юз бермаслиги учун ўғил отага, қиз эса онага ёки гинеколог - шифокорга мурожаат қилиши ва улар назоратида бўлиши лозим.

2. Балоғат ёши даврида ўғил болалар ва қизлар организмиде фақат иккиламчи жинсий

белгиларгина бошланиб қолмасдан, балки уларда сезиларли даражада руҳий ўзгаришлар ҳам кузатилади. Бу даврни бошдан кечириётган ўсмирларнинг қизиққон бўлиши, "сиркаси сув кўтармаслиги" ёки аксинча, ҳаёли паршон бўлиб қолиши табиий ҳол ҳисобланади. Ўсмирларни бу даврда эҳтиётлаш, уларга нисбатан эътиборни кучайтириш - келажақда жисмонан ва руҳан бақувват ёшларнинг юзага келишига асос бўлади.

3. Қиз боланинг жинсий балоғатга етиши 12-15 ёшларга тўғри келади. Лекин бу ҳол баъзиларда эрта ёки кечроқ бошланиши ҳам мумкин. Шу боис, ҳар бир ёш етуқлик давридагина турмуш қуриш ҳақида ўйласа, айна мударда бўлади.

Йигитлар 22-24 ёшда, қизлар эса 19-20 ёшда турмуш қуришлари мақсадга мувофиқдир.

Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки ҳар иккаласида мазкур Низомда назарда тутилган:

1. Руҳий касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения);
2. Наркологик касалликлар;
3. Заҳм;

4. Сил;

5. ОИВ (ОИСТ) касалликлари аниқланган тақдирда никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

Текширилатган шахс яшаш жойидаги даволаш маслаҳат комиссиясининг хулосасидан норози бўлган ҳолларда вилота ва Республика муассасаларида тақрирлий тиббий кўриқдан ўтказилади.

ФХДЁ бўлимлари ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида ўзларига маълум шифокорлик сирларини ошкор этганликлари учун жавоб берадилар. Ўз ўрнида, кўриқни ўтказган врач қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриқ натижаларининг ҳолислиги учун масъулдир.

Кўриқни турибдики, тиббий кўриқ - соғлом оилани вуҷудга келтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Халқимизда: "Касални даволашдан кўра, олдини олган маъқул" деган ажойиб ўғит бор. Бу ўғитни дилга жо этган ҳар бир йигит, қизнинг келажаги порлоқ бўлади.

**Манзураҳон АБДУЛЛАЕВА,**  
**Термиз шаҳар, ФХДЁ бўлими мудираси.**

**Соғлом оила - соғлом авлод**

# ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР



**Собира Холдорова**



**Тојихон Шодиева**



**Ҳосият Тиллахонова**

Ўтганларни ёд этиш, зиёратгоҳларни обод қилиш, уларнинг хотираларини абадийлаштириш - халқимизга хос фазилатлардан бири. Мухтарам Президентимиз 9 майни "Хотира ва Қадрлаш куни" дея эълон қилганларидан буён ҳаётлигида эл-юртимиз учун яхши ишлар бошида бўлган инсонларни фақат оила даврасида эмас, кўпчилик бўлиб хотирлаш одатга айланди.

"Саодат" журнали ташаббуси билан "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамкорлигида ўтказилган "Хотира уйғонса гўзалдир" деб аталган анжуман ҳам ана шундай савобли тадбирлардан бири бўлди:

- "Саодат" журналининг ўтмишдоши "Янги йўл" журнали гоят мураккаб шароитда чоп этилган. Ўша даврнинг фаол, шиддатли, зиёли аёлларидан Тојихон Шодиева, Собира Холдорова, Ҳосият Тиллахоновалар навбати билан бу нашрга масъул муҳаррирлик қилганлар. Зиммаларидаги вазифани ҳолис адо этганликларига қарамай, уларнинг ҳаммаси мустабид тузумнинг қатагон чархпалағига тушганлар. Зах етдуралардан терговма-тергов судрашган уларни. Узок ўлкаларга сургун қилишган. Собира Холдорова,

Ҳосият Тиллахоновалар ўн гуллидан бир гули очилмай руҳий изтироблар исканжасида қолган. Тојихон Шодиева совуқ ўлкалардан қайтиб келиб ҳам, кейинги совуқ муносабатларга дош бериб ҳам халқимизга сўнгги нафасигача хизмат қилган. Улар 100 ёшга киришди. "Саодат" бугунги мустақил ҳаёт нафаси билан яшамокда. Аёлнинг бугунги макеи, мақсади тамоман ўзгача. Биз ана шундай шарофтли кунларда "Саодат"га тамал тошини қўйган инсонларни эҳтиром билан ёдлашмоқдамиз. Бу - бизнинг ҳам инсоний, ҳам фуқаролик бурчимиздир, - дея хотира кечасини очди "Саодат" журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева.

"Шахидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси, профессор Наим Каримов, тарих фанлари номзоди Марҳамат Алимова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов бугун ёдланаётган шахсларнинг жамият олдидаги хизматлари, унутилмас қисматлари ҳақида гапирди.

- Қатагон қиличи фақат уларнинг эмас фарзандлари, ҳатто, қариндос-уруғлари ҳаётда ҳам оғир излар қолдирган. Бутун бошли оилалар тўз-тўз бўлиб, ҳаёти издан чиққан, - дея онаси-

ни хотирлайди Собира Холдорова-нинг қизи, физика фанлари доктори, профессор олима Манзура Усмонова.

Х.Тиллахонова ва С.Холдорова-нинг келинлари, неваралари, жиянлари Муфассал Валиева, Комилжон Назаров, Тојихон Шодиеванинг невараси Дилфуза Ҳужаева ва бошқа яқинларининг хотиралари ўша аламли йиллар изтиробларини яна бир қарра ёдга солди.

- Халқи, юрти учун хизмат қилган инсонлар ҳеч қачон унутилмайди. Улар фидокорлик, инсонийлик заволи топмаслигини доим тасдиқлаб туради. Яхшиларни ёдлаш кўпроқ уларга эмас, бизга керак, токи биз умрини нимага-сарфлаш, қандай яшаш кераклигини доим тарихдан, хотирадан ўрганайлик, - дейди "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳаммад тадбирга яқун ясаркан.

Ўзбекистон халқ хофизы Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова, ҳонанда Рустам Абдуллаев ижро этган мумтоз куй-қўшиқлар даврани зийнатлади.

Бундай анжуманлар қадриятларимизга умр беради, кўнгилларни поклайди.

**Қ. РАҲИМБӨЕВА**

- Болам, бир касбнинг бошини тутсанг, албатта яхши бир инсонга шоғирд бўл! Унинг яхши фазилатларини ўзинга сингдириб олгин. Ана шунда эл орасида обрў-эътибор топасан, - дер эди отам раҳматли ёшлигимда.

Отамнинг шу сўзларини ҳаммиса ёдимда тутардим. Йиллар ўтди. Мактабни, сўнг институтни тугатдим. Ишлай бошладим. Тақдир мени Муртазо Султоновдек бағридарё инсон билан учраштирди.

Ушанда Тошкентдаги 21-сонли "Меҳрибонлик уйи"ни қайта таъмирлаш ишлари бўлаётганди. Бу ишлари-



**Кутлов**

# ОДАМИЙЛИК ОДАТИ

ни мен назорат қилардим. Муртазо Султонов эса Республика халқ таълими вазири ўринбосари вазифасида ишлар эди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари тўрт ой давом этди. Муртазо Султонов эса шу вақтнинг ичида ишчилар, "Меҳрибонлик уйи" тарбиячи-хизматчиларининг, ҳатто болаларнинг ҳам исми-фамилиясини билиб олиб, уларга эски қадрдонларидек муурожаат қиларди. Меҳру мухаббатга, ширин сўзга зор болалар билан узоқ суҳбатлашар, ҳазиллашар, эркаларди.

Менга кейинчалик ҳам у киши билан ишлаш насиб этди. Муртазо Султоновда нафақат раҳбарлик санъати, балки муомила маданияти, одадийлик хислати жуда кучли эди. Муҳтарам устозимдан аввало, илму адабни, халққа хизмат қилишни, қолаверса, инсонларни қадрлашни ҳам ўргандим.

Кўпинча, иш устида бахшлашишлар ҳам бўлиб турарди. Шундай тортишувларда Муртазо Султонов ҳар бир кишининг сўзини диққат билан тинглар, уларнинг фикрларини инобатга оларди.

"Балки сенинг ҳам фикринг тўғридир, қани сен айтгандек ҳам қилиб кўрайлик-чи", - дея одиллик билан ёндошарди. Устозимнинг яна бир ажойиб фазилатларидан бири камтарлиги. Ким бўлмасин, у оддий ишчиси ёки мансабдор кишимни тўйга таклиф қилса, албатта бориб қутлаб келарди.

Бировнинг бошига мусибат тушса ҳам четда қолмасди. Дарвор бориб кўнгил сўраб, ёрдамини аямасди.

Менинг ҳам бошимга ташвиш тушиб, отамдан айрилиб қолган кунларим ёнимда камарбаста бўлиб, кўнглимни кўтарганди. Бугунги кунда мен устозимнинг ишларини давом эттиряпман. Бундан жуда ҳам фахрланаман. Устозим ҳар ҳафта келиб, ишларимдан хабар олади, қимматли маслаҳатларини аямайди.

"Яхшидан боғ қолар", - дейди халқимиз. Рост гап. Пойтахтимизга кўрк бўлиб турган қатор-қатор бинолар, билим масканлари барпо бўлишида устозимнинг ҳалол меҳнатининг ҳиссаси ҳам бор.

Ҳалол меҳнат қилган инсон эл аро қадрли, эъзозлидир. Устозим Муртазо Султонов аввал Қорақалпоғистон, кейин эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи" унвонларига ҳам сазовор бўлди.

Шуниси қувончлики, у киши таниқли олим ва журналист ҳамдир. Республикаимизнинг кўп нашрларида ўз мақолалари билан ҳалигача қатнашиб туради. У кишининг 60 босма табоқдан ортққ асарлари чоп этилган.

Устозим умрининг катта қисмини ёшлар масаласига бағишлагани, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшагани учун ҳам ёшлар ҳақида кўп гапирди. Мен ҳам у кишидан ҳаётнинг кўп сабоқларини олдим, ўргандим.

Ҳар доим устозимнинг ушбу сўзлари менга мадад бўлиб туради:

"Раҳимжон, ўғлим. Ниманидир билмай қолсанг ёки иккилансанг, албатта биладиганлар билан маслаҳатлашгин. Билмаган нарсани сўраб ўргана, маданияти, одадийлик хислати жуда кучли эди. Ниманики орзу қилсанг, ҳалол меҳнатинг, пешона теринг орқасидан эришин. Ана шунда дўсту биродарларинг, ҳамкасбларинг орасида юзинг ёруғ бўлади".

Умри меҳнат билан ўтган одам тинч ўтира олмас экан. Ҳозирги кунда Муртазо Султонов "Интермобилгаз" Компаниясини Директорлар кенгашининг раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

У кишининг файзли хонадонларида кўп бўламан. Аёли, Маҳфузаҳон опа ҳам жуда меҳмоннавоз аёл. Шунданми, хонадонларидан одам аримайди.

Забардаст, меҳнатга ташна устозим Муртазо Султонов бугун қутлуг етмиш ёшни қаршиламокда. Етмиш ёш шундай бир ёшки, у босиб ўтилган ортдаги йўлга бир қур назар ташлаб, инсон ўз кўрган-кечирганларини мулоҳаза қилиб олиш имконини беради.

Бу ҳаётда инсонни азиз ва муқаррам қиладиган савоб ишлар кўп. Бирок уларни қанча қилингани эмас, қай пайтда қилингани муҳимдир. Устозим ўзининг мазмунли умрида нимагаки эришган бўлса, аввало ўзи, оиласи, дўстлари, қолаверса, устозлари, шоғирдлари туфайли эришди.

Бугунги кунда Муртазо Султонов қобил ва комил фарзандларининг қамолини кўрмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳаётнинг турли жаҳаларида ўз ўринларини топишиб, элу юртимиз кори учун меҳнат қилишмоқда.

Отамдек азиз, муҳтарам устозимни чин дилдан қутларқанман, уларга соғ-саломатлик, узоқ умр тилайман. Ёшингизга - ёш қўшилиб, биз шоғирдларининг даврасини тўлдириб, юз билан юзлашинг, азиз устоз!

**Раҳимжон АКРОМОВ,**  
**Халқ таълими вазирилик бошқармаси бошлиғи.**

# ФАРЗАНД—

унинг пишиб етилиши учун эса вақт керак

Донишмандлар: "Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса фарзанддир", дейдилар. Фарзандлар ҳам мева каби бир ширинликдир. Шундан бўлса керак, дилбандимизга бор-будимизни тутамиз: меҳру муҳаббатимиз, молу давлатимиз уларга. Бола сўзи болдан олинганмикан, уларни асалим деб суммиз, эъзозлаймиз. Шу боис, баъзан тахирини ҳам сезмаймиз...

Болалар. Келажакимизу қувончимиз, ишонч боғимиз, суюнч тоғимиз. Эътироф этиш керак: иқтидорли болалар кўп, жуда-жуда кўп. Мактаб партасидаёқ икки-уч тилни ўрганаётган, компьютерни пухта ўзлаштираётган, бир йилда сакраб икки-уч синф илгариллаётганларни кўриб, беихтиёр, "туф, туф-е кўз тегмасин", деб қўясан. Кейинги вақтларда болалар орасида санъат шайдолари, расм чизадиган, шеър ёзадиганлар ҳам жуда кўпайди. Ҳаваскорлар орасида ўзига хос, ўтли мисралар, теша тегмаган ташбеҳлар ишлатадиганлари борки, умид уйғотади.

Лекин... уларнинг барчасига, ҳатто бор-йўғи биттагина шеър ёзганига, ё бировнинг шеърини кўчириб олганига ҳам ота-оналари энг зўр шоир, ноёб истеъдод эгаси деб қарашади. Машҳур шоирлар шеърини тап тортмай кўчириб, ўзиники қилиб китоб чиқарган боласи "муваффақиятидан" ҳам боши осмонда. Уларни тушунас бўлади. Ахир, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига. Аммо ўз касбининг билимдони бўлган ўқитувчиларда ҳам машҳур мисралар шубҳа уйғотмайди, ўқимагани, билмаганидан ачинасан.

Боласи зўрлигига ўзини ишонтириб, хуш-хурсанд юргани-ку майли, уларни идорама-идора олиб юришади, муқофотлардан умидворлик эмас, даъвогарлик қилишади... Уларнинг кўпчилиги тўтиқушларни эслатади: бирам бийрон, бирам бурро, таржимаи ҳоли, танишувни, ҳатто оддий гапни ҳам шеър билан айтишади. Шу ўринда "ўқиб ташлашади" дейиш ўринлироқ, чамасда. Улар билан суҳбатламсангиз, оддий савол-жавобларга ҳам нўноқлиги равшан бўлади. Сабаби, "шпаргалка" йўқ, олдиндан ёдлаб, ҳозирланмаган-да. Шу боис, йиллар ўтиб, бу истеъдодли-вундеркидлардан дом-дарак чиқмайди, кўпчилиги жимиб кетишади.

Ҳақиқатан ҳам улардан камдан-кам ҳолларда ёрқин юлдузлар чиқади. Ямай-ка ўрғиши билан дунёни ҳайратга солган Робертино Лореттини бир эсланг-а...

Ҳар бир боланинг иқтидори 14 ёшга тўлгандан кейингина маълум бўларкан. Ўсмирлик ва балоғат ёши ўртасидаги ўтиш даврида

боланинг нафақат гавда тузилиши, балки фикрлаши, хотираси, табиати ҳам ўзгараркан. Болалигида унча кўзга ташланмаган ўртамеъна саналганлар истеъдодсиз дегани ҳам эмас, улардан ёрқин истеъдод эгалари, буюқлар чиқмайди дегани ҳам эмас. Шунинг учун болаларни - аълочимиз, ўртамеъна ё паст ўзлаштирувчи, уздабурон ё уквусизроқ баб-баравар яхши кўрайлик, меҳр берайлик кўпроқ. Меҳр, муҳаббат шундай илоҳий туйғуки, кўнгилнинг энг мудроқ торларини жунбушга келтиради ва бу ҳаракат, албатта, баракали бўлади.

Тарихий ҳақиқат шуки, Пушкин "икки" чилардан бўлган, Эйнштейн бир синфда икки йил ўқиган, Ньютон ёмон ўқигани учун ўқишга лаёқатсиз деб мактабдан ҳайдалган, Ломоносов биринчи синфга борганида ўсмир бўлган.

Яхши фикрлай олмагани учун ўқитувчиси Эдисонни "эшак" деб ҳақоратларкан. Шунинг учун ёмон ўқийдиган ёки алоҳида ажралиб турмайдиган бола ёмон одам бўлади дегани эмас. Шундай ҳам «бобо-бола», «буви-қиз»лар кўпайиб кетди. Ана шу покликка гард кўндирмаслик катталар зиммасида. Бу масъулиятни чуқур англаб, уларнинг ўз хоҳиш-қизиқиши, имкониятлари, кучи ва қобилиятига қараб йўналтирайлик. Оллоҳ пешонасини ярқатириб, қалбини нурлантириб ато этган бўлса, бизу сиз озгина қўлаб юборсак, бугун бўлмаса, эртага, албатта, ўзини кўрсатади. Баъзан биз илғамаган сифатлари ярқ этиб намоеён бўладики, ҳайратдан ёқа ушлаб қоласиз. Мактабнинг эркатойи бўлмаган, репетиторларга қатнаш ўрнига далада кетмон чопиб юрган фарзандларимизнинг олийгоҳларга юқори кўрсаткичлар билан ўқишга қираётганлари бунга яққол мисол.

Фақат... унчага ўз майлига кўйинг. Фарзандингизга ўз хоҳишини мажбурлаб тиқштирмаган, унинг истагини ҳам ҳисобга олинг. Имон беринг, бўйнидан бойланган овга ярамаслигини унутманг, азиз ота-оналар! Мустақил фикрлашга ўргатинг. Мустақилликни ҳам мустақил фикрлайдиган инсонлар мустаҳкамлайди.

Мақолаимиз бошида фарзанд кўнгил меваси дедик, меванинг пишиб етилиши учун вақт керак, биз—ота-оналарга эса сабр...

**Бахшанда БОЛТАЕВА,**  
**«Аторуд» газетаси бош муҳаррири.**  
**Бухоро вилояти, Фиждудов шаҳри.**

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Яна шундай оталар бор. Улар: "Мен болалигимда қийналганман. Кун кўрмадим. Болам мен кўрган азобларни кўрмасин. Маза қилиб яшасин", деб адашади. "Айтганини муҳайё қила олмаман. Қиламан. Ана шунда мен эришмаган даражаларга ўғлим кўтарилади", - дейди. Ўғлини бўйнидан туширмайди. Меҳнатдан ўлай дейди, лекин, ўзига қарашга қўли тегмайди. 20 йилдан кейин ота ўғлини барибир бўйнидан туширади. Ва ўғлига ёмон кўринади.

Бола-ёшидан, дейди халқимиз. Бу ҳикматда гап кўп. Чунки бола ҳали нима яхши, нима ёмонлигини билмайди. Отаси нималарни ўйлаётганини ҳам. У отанинг ишончли қарши, гапидан хотиржамлик олишни истайди. Бола сал йиғласа, уни қўлига кўтариб олаверса, ишончсизлик, хавотир болага юқади. У: "Демак, қандайдир хавф бор. Мени кўтариб олиб, асраб қолишди", деб ўйлайди. Бу фикр кўркувни қаҳиради. Йиғлайди.

Ўғлим. Нева-рамни эрка қилиб, армон билан қаримаи дейсанми? Унда ортиқча меҳрибонликни кўй. Келинга ҳам тайинла. Болангни ширин кўриб, ҳар бир истагини шу заҳоти муҳайё қилаяпсизларми? Унда аччиқ қариликка тайёр бўлинглар. Икковларинг ҳам.

Яхши педагогдан дўстинг бўлсин. Отасини ёмон кўриш "касали", ҳамма миллат одамларида 15-16 ёшда бир ўзини кўрсатиб ўтади. Фрейд деган психолог бунини "Эдип комплекси" деб атаган экан.

Бир мисол: Нодиржон она-сига "Отамни ёмон кўраман", деган. Гаплашмаган, ҳатто бир кунни ураман, деган. Бу 2003 йилда рўй берди. Она-си педагогга мурожаат қилди. Педагог бу ҳақда шундай хикоя қилади:

- Бу гапни эшитгач - бир кунга Нодиржонларнинг уйларига меҳмонга бордим. Ҳеч нарса билмагандай, еб-ичиб, ҳазил-хузул қилиб, гаплашиб ўтирдим.

Боланинг қўл телефони борлигини, юрист бўлмоқчилигини, компьютерни йўқлигини, ота-тадбиркор эканини, ҳар ойда ўртача 250-300 минг сўм пул топишини аниқладим.

Ўтиришда ўсмир билан яхши муносабат ўрнатдим. Педагогиканинг параллел таъбир методидан фойдаландим. Сездирмай, нозик ишоралар билан отасига - ўғлининг, ўғлига - отасининг меҳрини уйғотишга ҳаракат қилдим. "Оила - бир одам" деган таомийилдаги фикрни икки-уч бор айтиб, мустаҳкамладим. Нодиржон билан ҳам билвосита қисқа суҳбат қурдим. Унинг ишончига кириш учун. «Лицейда қандай ўқитишяп-

ти? Яхшими? Дарсга савол тайёрлаб бор, домладан сўраб ол. Чунки дарс 45 дақиқа билан чегараланган. У ҳам белгиланган мавзу учун ажратилган. Белгиланмаган нарсага вақт қолмайди. Юрист бўлиш учун кўп ўқиш, кўп билиш керак!» Шу маслаҳатимга амал қилиб кўп ютуқларга эришди. Ўтган йили Сардор деган бола ютди. Юрфакка кирди. Ҳозир - талаба. Сен ҳам шундай қилайсанми? Ие. Йўқми?! Нега? Шундай қил. Савол ёзиб бориб домладан сўраб олсанг, китоб қидириб, вақт йўқотмайсан. Ким билишни иста-са, билмаганини сўраб, билиб олади. Истамаган - сўрамайди», - дедим. Нодиржоннинг кўзлари порлаб-порлаб турди. Чунки мен мақсадга тез етишининг у кутмаган яқин йўлини кўрсатган эдим-да.

Дадасини мақтадим: Сиздек замонавий одамларнинг уй-

эдилар. Мастликлариди бир марта урмоқчи ҳам бўлганман. Яхшиям урмаган эканман. (Нодиржон).

- 30 ёшдан кейин бир нарсани билдим, дея сўз бошладим мен.

- Мен учун энг катта яхшилик қилиб қўйган одам — отам экан. Чунки у мени дунёга келтирган. Шу киши бўлмаса, ҳозир иккимиз гаплашиб турмаган бўлар эдик. Сен ҳам. Шунинг учун ота ичса, сўкса, урса ҳам у мени дунёга келтиргани, боққанининг олдида ҳеч нарса эмас экан.

Нодиржон, отанг билан яхши бўлсанг, яхши. Салпал келишмовчилик бор бўлса, ҳозир ҳал қилиб қўй. Эртага эрталаб дадангга салом бер. Кейин саломингга бирорта гап қўшиб, гапир. Бирор нарсани сўра. Даданг билан гаплаш. У киши сени яхши кўради. Оталар бунини айтавермайди, билдиравермайди. Қовоғи солиқ бўлса, бу - мени ёмон кўрганидан, деб ўйлама...

Шундан сўн ҳар ҳафта Нодиржон билан гаплашиб турдим. Гапни ўқишдан, отадан эмас, бошқа нарсалардан бошлаб, ўқиш, ота ҳақидаги гап билан тугатдим. Атайлаб эмас, **шунчаки** қилиб гапирдим. Ота хурсанд-бефойда телефонга ҳар ой 15000 сўм тўлашдан қутулди. Репетиторга пул кетмайди. Нодир хурсанд - компьютерли бўлди.

Оила яна бир нарсасида ютди. Нодир илгари кеч қоронғу тушганда ҳам уйга келмай, ҳаммани хуноб қилар бўлди.

Оила яна бир нарсасида ютди. Нодир илгари кеч қоронғу тушганда ҳам уйга келмай, ҳаммани хуноб қилар бўлди.

2005 йил, сентябрь. Нодиржон ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Контрактга. Ўз кучи, ҳалол меҳнати, илми билан. Отаси мени қаҳриб, зиёфат қилди. Йўқ, десам ҳам қўймай тўн кийдирди.

## ХУЛОСА

**Ўғлим!**  
**Оталар насиҳат қилаве-ради, болалар ўз билганидан қолмай, деган гап бор. Балки сен ҳам шундай қиларсан. Лекин, ҳар тугул бу айтган гапларим беҳуда кетмас, деган умидим бор.**

**Миллатимизнинг сендан умидлари катта. Шуни унутма...**

**Муҳаммадхон ҚУРОНОВ,**  
**педагогика фанлари доктори, профессор.**



Тарбия соати

# КИТОБИ

Хонамга 15-16 ёшдаги кўзи ожиз болани етаклаган бир аёл кириб келди. Ўзини Турдихол Юсупова деб таништираган бу аёл Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, "Кўшчинор" жамоа хўжалиги, Тўхтамиш қишлоғидан экан.

- Бу менинг тўнғич ўғлим - Уктамжон. 17 ёшда.

- **Кечирасиз, Уктамжон туғма ожизми?**

- Туғма ожиз бўлганида аламин бунчалик бўлмасди, - кўзларига ёш олиб сўзлай бошлади.

- **Бўлмаса қандай қилиб...?**

- У туғилганида жуда хурсанд бўлганмиз, севинчмиз оламга сигмаганимиз,

юзини чангаллаб олган кўлларини мажбурлаб очиб қараганимни билламан, ўнг кўзи қонаб кетаётганига кўзим тушди. "Вой, болам! Онанг ўлсин болам! Энди шу кўргулик ҳам бормиди, болажоним, онанг ўлси-и-и-и!", деган хайкириқ бўғимдан отилиб чиқди. Тиззалаб олганча, боламини бағримга босиб, "вой-дод!" - деб баралла йиғлай бошладим. Бир пасда одам тўпгани кетди. Туш кўраётгандек қараёт эдим. Дунёда бундан ортиқ бахтсизлик бўлиши мумкинми, айтинг?

Аёлга нима деб таскин беришни билмай қолдим шу тобда. Сўзлайверди, йиғлайверди.

гиз эди: "Духтир боважон! Онам сизга чопон тикиб беради, отам сизга қўй сўйиб беради, фақат кўзимни кўрадиган қилиб беринг, майлими?" - дейди нукул. Духтирнинг ҳам кўнгли бузилди кетди. У боламини операция қилиш муддатини белгилади.

Операция белгиланган вақтда бўлиб ўтди. Маълум муддат ўтгач, шифокор қайта текшириб кўрди-да, кўзлари ёшланди: "Болам, кўзингни тузатолмадик, афсус" - деди ўқиниб.

Соппа-соғ туғилган болам бир озгина эйтиборсизлик, тасодиф туфайлигина икки кўзидан айрилиб қолганига чидалмай неча кунлар, ойлар, йиллар

- **Ҳозирда қандай муаммо қийнапти сизларни?**

- Ўзим оилада яккаю ягона фарзанд бўлганман. 107 ёшли онам ҳам бизнинг қарамоғимизда. Хўжайиним шисиз. Маблағимиз камлиги сабабли, Қашқадарёга бориб, Уктамжондан тез-тез хабар олишга иложимиз етмаяпти. Ундан ташқари, ўғлим каникулга борганида ўзини жуда ёмон ҳис қилади. Бир неча кунда озиб, ранглари синикиб қолади. Кейинги пайтларда оёқларидан ҳам мадор кетиб, юриши қийинлашиб қолган. Қишлоғимиз тоғ қишлоқ бўлгани учун ёмғир кўп ёғиб, тез-тез сел келиб туради. Уйимиз-

# КЎЗЛАРИНГГА НУР БЎЛАЙ, БОЛАМ!

ўшанда. Суюб-эркалаб, асраб-авайлаб катта қила бошладик. 3 ёшга борганида фожеа юз берди...

Уша куни биз хўжайиним билан томоркада ишлаётган эдик. Уктамжон амакисининг болалари билан ўйнаб ўтирганди. Бирдан бақир-чақир бўлиб, "Уктамнинг кўзи қонаяпти!" деб чуғирлашиб қолишди. Қўлимдаги кетмонни улоқтириб, учиб келдим. Не кўз билан кўрайки, болам шўрликнинг кўзларидан тиркираб қон чиқиб кетаяпти. - Аёл кўзларидан оқаётган шашқатор ёшларини тия олмасди... - Болалар рогатка ясашмоқчи бўлишиб, резина қирқишибди. Уктамжон ҳам қизиқиб қайчини кўлга олибди. Йиқилиб, қайчининг учи беҳосдан кўзига кириб кетибди. Жонхалатда духтирга югурдик. Бироқ барча уринишлар зое кетди. Ўғилганим бир кўзидан айрилиб қолди. Тақдир экан, бу кўргуликка чидаб яшай бошладим.

- **Ахир Уктамжоннинг иккинчи кўзи ҳам кўрмайди, шекилли?.. хижолат аралаш сўрадим.**

- Ҳа, болажоним иккинчи кўзидан ҳам айрилиб қолди.

- **Қандай қилиб? Нима бўлди?**

- Уша йили 8 ёшли эди, - чуқур "уф" тортганча гапир бошлади онаизор. - 1 январь куни уйда мен, Уктамжон ва иккинчи ўғлим ўтирган эдик. Дарвозадан биров чақриб келди. Мен оёқ кийимини кийиб, ҳовлига қичқанимча, Уктамжон деразадан сакраб тушибди. Ерга тушган захоти ичкарида қолган укаси "Ака!" деб чақирди. Шаҳд билан ўтирилиб қараган Уктамжон укасининг узатиб турган қўли билан тўқнашиб кетади. Беҳосдан кўзига укасининг бармоғи кириб, тирноқлари унинг кўзини тилиб кетибди. Бу мен уйдан чиқиб, ҳовлига айланиб ўтганимча содир бўлган. Бирдан "Вой, онажон! Кўзим! Кўзим! Кўзим!" деб бақира бошлади. Калишим оёғимдан тушиб, жон халатда югуриб келсам, Уктамжон ерга букчайиб олган, кўзини чангаллаб доғлар эди. "Нима қилди? Қайси кўзинг?" десам, "Ўнг кўзим, ўнг кўзим!", деди худди югуриб кетаётгандек, оёқларини ерга уриб. "Нимага ўнг кўзинг бўлди? Нима қилди?" деб болагинимнинг

- **Мана бунини ичиб олинг, - дедим-да, бир пиёла сув узатдим. - Қишлоғингизда шифохона бормиди, ишқилиб?**

- Кўшнимизникига меҳмон келган экан. Уша кишининг "Нексия"сида туман касалхонасига бордик. Байрам куни эмасми, биз учраган навбатчи духтирнинг бир оз кайфи бор экан. Шундай бўлса ҳам у ўғлимнинг кўзини операция қилди. Йиғлаётган ўғлимга бир ўшқиради, жим бўлмаганимиз, бир тарсаки ҳам туширди. Сал узокроқ турган бўлсам ҳам бирор нарса дедилмадим. Фақат кўзини яхши қилиб берса бўлди, ўғлим кўрмай қолмасин деб худого илтижо қилардим.

Духтир ака ишини тугатгач, мендан у бу нарсаларни обдон сўради. "Томорқаларингизда нима экасизлар? Сизларни олиб келган "Нексия" эгаси кимларингиз бўлади? Эринг нима иш қилади?" - деб суриштира бошлади. Тўғриси, пул олиб келиш эсимга келармиди ўша вақтда. Хўжайиним ҳам уй кийимидея югуриб келаверибди. "Оёқларингизнинг тагига ўлай, духтиржон, боламининг кўзини асраб қолинг, айтганингизни берамиз. Фақат болагинам кўр бўлиб қолмасин", - дедим йиғлаб.

Духтир ишига совуққонлик билан қарагани 15 кунлардан кейин юзага чиқди. Ўғлимнинг кўзи бир неча марта қонаб қолди. "Бир нарса қадалаяпти", деб безовталана бошлади. Бошимизга тушган мусибатдан хабар топган хўжалигимиз раиси келиб: "Термизда Сафарали Пардаев деган кўз духтири бор. Ўғлингизни ўшанга олиб бориңлар. Мен кўнғироқ қилиб, айтиб қўяман", - деди. Биз унинг бу яхшилигидан бошимиз осмонга етиб, Термизга йўл олдик.

Сафарали Пардаев гарчи миҳозларни кўп бўлса ҳам, бизни навбатсиз қабул қилди. Ўғлимнинг кўзини обдон текшириб кўргач, ипи қолиб кетганлигини айтди. Духтир боламини кўраётганда боқийш боламининг зориллашини эшитсан-



нинг олдини ювиб, йўлларимиз фақат тошлоқ бўлиб қолган. Хуллас, Сурхондарёнинг ҳавоси ўғлимнинг соғлиғига тўғри келмаяпти. Менга ёрдам берадиган биргина қариндошим, амакимнинг қизи Янгийўлда яшайди. Унинг олдига келиб яшашим учун бир озгина пулим бор. Лекин 1-2 сотих ерга олишга етмай япти. Бизга ёрдам берадиган, шароитимизни тушунадиган бирор саховатли инсон топилармикан, деган илинжда келган эдик.

Мен Турдихол опа ва унинг ўғлидан керакли маълумотларни олиб, сўнг эшиккача кузатиб қўяётганимизда Уктамжон менга мурожаат қилди:

- Илтимос, сиз онамга тушунтириб қўйинг, кўп сиқилмасинлар. Укамни ҳам кўп уришадилар, унда ҳам айб йўқ, бу тақдир-да. Худо хоҳласа, ўқини тугатиб, ўзим истаган касбга эришсам, ота-онам орзуларини рўёбга чиқараман!

- **Ниятларингизга албатта эришинг, Уктамжон, - дея улар билан хайрлашдим. Қалбимни қайгу егалладим.**

Турдихол опа ва Уктамжон ёнимиздаги инсонлар. Зеро, Президентимиз 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қиларканлар: "...ёш - атрофимизда ёрдамга ҳэтиж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин эгаллаши керак", - деб таъкидлаган эдилар. Уйлаимизки, ушбу мақолаимизни ўқиган саховатпеша юртдошларимиз Уктамжон дарду муаммоларини аритишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Агар шундай инсонлар бўлса 68-70-25 телефон рақамлари орқали ёки ушбу мақола муаллифига (тел: 134-25-46) мурожаат этишлари мумкин.

Хулқар ҲОТАМБОЕВА

## ЎЗГА УЙГА БОРГАНДА...

Икки аёл йўловчиси унча кўп бўлмаган автобусда бафуржа гаплашиб ўтиришибди.

- Карима опоки келиндан ҳам кўп ёлчидингиз-да, а? Тунов куни уни кўриб қолдим. Кўчага сув сепаётган экан. Бир чиройли... Бўйида ҳам борми дейман? - деди қорачадан келган аёл.

- Ҳа, жуда яхши келин, ишларни ҳам чаққон-чаққон бажаради. Аммо... Ўзимдан ўтганини ўзим билламан-да, ўргилай, - деди иккинчи аёл.

- Вой, тавба! Шундоқ келиндан ҳам айб топасиз-а? - деди Салима исмли аёл.

- Қайдам, бунни айб деб бўлармикан? Баъзи одатларидан уяламан-да. Тўғри, қўли ширин, овқатни жуда ўхшатиб пиширади. Бироқ дастурхонга овқат олиб келгач, қошиқларни шарақлатиб ташлайди. Эримнинг таъби нозик. Менга зимдан

қараб-қараб қўйгач, қошиқларни сочиқ билан артиб, қосага солиб қўяман. Яна шундай гурсиллаб қадам ташлайдики, ҳайрон қола-

ман. Бу ҳам майли, ҳовли супурса чанги осмонга чиқиб кетади. Супургини ерга босиб, сал ётиги билан супурса бўлади-ку, ана шуларини ҳам ўргатавераман-да.

Ҳатто шундай келбати билан ҳам эрим оҳиста қадам ташлаб юради. Келиним эса шошганидан шундай қилади, билмайман. Кўпича дастурхон олдида ўтиргани-

мизда қулочкаш-лаб керишиб ҳам қўяди. Балки оиласида еттита ўғилнинг орасида ўсгани учун шунга одатланиб қолганмикан? Ахир онаси, яналари келинликнинг ўзига хос одоб-ахлоқларини ўргатишса бўларди-ку! Бировнинг хонадонига келдими, энди сал ибод билан иш тутса дейман-да. Бу гапларни инжиқликдан эмас, келинимнинг бу ишини бировлар кўриб айбситиши мумкинлигини ўйлаб айтаяпман-да", - деди Карима опоки.

Уларнинг суҳбати қандай якун топди, била олмадим. Чунки тушадиган бақатимга етиб келганим.

**Икир-чикир. Лекин...**

Бироқ Карима опокининг гапларида жон бор эди, назаримизда эмин-эркин юрган қизларимизнинг баъзи одатлари бизга сезилмаслиги мумкин. Улар қандай ишташа шундай кийинишадилар, ўзлари иштагандек юмушларни бажаришадилар. Лекин уларнинг ҳаракатларида ибод, ҳаё борми йўқми эйтиб бермаслигимизга тан бердим. Чиндан ҳам қизларимизнинг ўзини тутишидаги камчиликлар ўзга хонадонда бор-қали бўлиниб қолар экан. ГУЛБАШКАР

# ИНСОН ХОТИРАСИ

Акс-садо

# ОЙНИНГ ЎН БЕШИ

## “Эски кўйлак можароси” - 10-сон

**ЭСЛАТМА:** Ота-онанинг уйлари борсам, келишимиз онамнинг кийимларини кўрпача қилмоқчи бўлиб турган экан. Кўнгам бузилиб кетди. Бозордан кўрпачалик сатиш олиб, чеварга берганими эшитган келишимиз мен билан уришди. Наҳотки нотўғри қилдимми?  
Муаллиф : Гулбашакар

## АЗИЗ

ешиб кўйилгандек осиглик турибди. Ҳар замона куйлардан сақлаш учун шамоллатиб туришар экан. Фарзандлари келишганда, албатта уйни бир тозалалаб, барча юмушларни қилиб, сўнг Қуръон тиловат қилинади.

Мен ҳар борганимда худди дугонамни кўргандай бўламан, беихтиёр кўзимга ёш оламан. Мақоладаги келин кизимга ўхшаб, қадрдон қайнона-қайноталарининг уст-бошларини талашмаган... Ҳеч замонада вафот этганларнинг уст-бошларини кўрпа қилиб бўлар эканми? Марҳумнинг ўғилларига ҳам айтар сўзим бор: Қадрдон онажонингиз кийган кийимларини қандай қилиб оёқ остига соласиз? Уларнинг руҳлари безовта бўлмайди? Хотинларингизга танбех бериб, сингилларингизни кўнглини кўтармайсизми? Уларга меҳру оқибат кўрсатмайсизми? Ахир онангни қафтингда тусанг, сингилни бошингда тут, деган бурунгилар. Йигит кишига сингил она ўрнида бўлади-ку? Келин кизим, қайнонанингизни кийган кийимларини эҳтиётлаб кўйсангиз, қандай яхши бўлади. Қайсинингиз келганда, эрингиздан олдин сиз чиқиб, қарши олинг, она кизим. Меҳру оқибатли, иззат-ҳурматли бўлинг.

**Паттихон САМАДОВА,**  
Фаргона вилояти.



“Она билан маслаҳат қил” - 11-сон.

**ЭСЛАТМА:** Ота-она дуосини, розилигини олш - ҳар бир фарзанднинг бурчи. Сен ўз кечинмаларингни уларга тушунтира бил. Мен ишонаман, сен албатта бахтли ҳаёт кечирасан.

Муаллиф: **Ғайбулла Абдуллаев**

Ассалому алайкум ҳурматли меҳнат фахрийси Ғайбулла ака Абдуллаев!

Сизнинг қимматли сўзларга тўла мақолангизни ўқиб чиқиб, бошим қўкка етди. Бунинг учун катта раҳмат.

Маслаҳатларингизга амал қиламан, деб юрган вақтимда, уни ўзи ёқтирмаган, хохламаган кизга унаштиришмоқчи эканлигимдан хабар топдим, лекин ишонмагандим. Ундан: “Ҳаммаси ёлғон”, деган сўзни эшитиш ниятида ростини сўрадим. Афсуски, бу рост экан.

У мен эшитмасимдан олдин бу гапларга барҳам бермоқчи бўлибди. Лекин улгурмади, кечикди. Онаси: “Мен у кизни келин қилмайман. Бу

## “Тўғри йўлни кўрсатинг, азизлар” - 5-сон.

Акс-садо

**ЭСЛАТМА:** Ўзига тўқ оиланинг фарзанди. Шўх-шодон кувларимга муҳаббат исми тўйғу қилиб келди. Уни жуда севаман. У мен учун қанча қийинчиликларни енгади. Аммо у “ўқимагани” учун уйдагилар турмуш қуришимизга қарши. Нима қилай?

Муаллиф: **Асал, Навоий.**

сафар ҳам сенинг бахтинга халал берса, мен уни кечирмайман. Агар у томон, ҳатто бир қадам боссанг, мен сени ўғлим демайман”, дебдилар. Лекин шунга қарамай, онасидан яширинча менинг олдимга келаверида, мен ҳам ҳамма гапларни унутиб, унинг олдида қушдек учаман. Биламан, онадек улғур инсоннинг гапини ерда қолдириб, яхши иш қилмаяпмиз. Лекин муҳаббатимиз олдида буларнинг барчасининг қудрати ожизлик қилапти. Мен онасини қораламоқчи эмасман, лекин тўйни унинг ўзи қайтарган-ку. Худо хақи, мен онасига қарши бир оғиз ҳам гап айтмаганман.

Ўша ноҳуш хабарни эшитган куним юрагим оғриди. Анча қийналдим. Қон босимим кўтарилди. Яхшиям, оиламдан йирокдаман. Бўлмаса, бу аҳолимини кўриб, севгилимга нисбатан яна ҳам нафратлари ошарди.

Бу ишлардан сўнг унинг тоғасининг ўғли: “Агар хоҳласанг, йиллар ўтиб, унинг оиласи билан борди-келди қилишинг мумкин”, деди. “Қандай қилиб?”, десам: “Менга турмушга чиқ, мен сени албатта бахтли қиламан, бугунги кунларни ҳеч қачон юзингга солмайман,

сўз бераман”, деди. Лекин мен қандай қилиб рози бўлай, яна у билан ёнма-ён яшаш. Йўқ, мен ҳеч қачон бундай қилолмасдим. Унга кескин рад жавобини айтдим.

Севгилим эса ҳали-ҳамон курашишда давом этмоқда. Мен унга ўша кизга уйлашни илтимос қилдим. “Агар бу сафар ҳам онангни норози қилсангиз, барибир мен ҳам сизга турмушга чиқмайман”, дедим. Мен унинг онасидан қўрқаман. Ниҳоятда қаҳрли.

Оллоҳим бизнинг юрагимизга ниҳоятда аянчли ишқ солган экан. Лекин мен бундан ҳеч ҳам хафа эмасман. Оллоҳимнинг хоҳиши билан бандасини севдим ва ўз севгимдан ҳам юксак даражада севилиб, энг улғур муҳаббат соҳибаси бўлдим. Бунинг учун Яратган Эгамга шукроналар айтман. Худо хоҳласа, шу муқаддас севгимиз ёрдами билан севгилим билан, албатта турмуш курашим. Қалбимдаги энг сўнги умид торлари узилган. Бу йил бўлма-са, келаси йил турмуш курашим. Ахир ўзингиз айтгандек: “Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ”-ку! Кейинги ҳаётим ҳақида хали ёзаман, ҳаммаси изига тушиб кетиб, худо хоҳласа тўйга айтаман. Маслаҳатларингиз учун яна бир бора раҳмат.

**Асал,**  
**Навоий шахри.**

**1**992 йил дугонам Рисолатой, 1993 йилда эса унинг умр йўлдоши Собиржон ака вафот этишди. Мен уларнинг хонадонига тез-тез бориб тураман. Дугонам узоқ йиллар ҳўжаликда раҳбар бўлиб ишлаган. Уларнинг 2 киз, 3 ўғиллари бор. Катта ўғли билан келини уй олиб, чиқиб кетган. Иккинчиси ҳам, учинчи ўғли ҳам алоҳида ҳовлида яшайди. Шундай бўлса-да, ўғил-келиндар ва қизлар тез-тез ота-оналари ўтган хонадонга келиб, дуои фотиҳа қилиб туришади. Дугонам Рисолатжон ва Собиржон акалар яшаган уйга кирсангиз, худди музейга кириб қолгандек бўласиз. Ўша 1980-90 йилларда кийиниб юрган уст-бошлари, кўйлак, рўмол, пальто, оёқ кийимлари - ҳаммаси аввалгидек, саранжом-саришта турибди. Кўрпа-тўшак, гиламлар ҳам дугонам ҳаётлигидегидек озода ва шином. Ҳатто рўмоллари ҳам худди ҳозир

\* \* \*

**А**слида, келинларга кўп нарса боғлиқ. Ойилаларнинг аҳил ё парокандаликка юз туттишида улар катта рол ўйнайди. Қайнона қаттиққўллик қилса, қайнонани, келин бир иш қилса келини қоралаймиз. Ҳар бир оила ўзига хос турмуш тарзига эга. Қиз бошқа оилага келин бўлиб тушгач, янги муҳитга мослашиши, оила аъзоларининг кўнглига кира олиши керак.

...Мен у қиз билан тасодифан танишиб қолдим. Маршрут таксисидан пойтахтдан қайтаётган эдим, ўшанда. Машина ойнасидан ташқарини томоша қилиб, хаёл суриб келаётган эдим, кўзим хамроҳимнинг номсиз бармоғига қийишқ тақилган узукка тушиб қолди.


- Узугингиз қийшайиб қолибди, - дедим ийманиб. Ажабо, у қиз узукни тўғрилаш ўрнига, уни у ёқ-бу ёққа айлантириб, асабий равишда ечиб-тақаверди. Шунда мен ҳамроҳим ҳаяжонлаётганини тушундим. Аммо индамадим,

укол қилиб қўйишимни дадамдан илтимос қилди. Дадам рози бўлди, ҳатто янги қўшиллар билан яқинроқ танишиш учун мен билан бирга чиқди. Қўшининг бемор ўғли биринчи гуруҳ ногирони экан. Мен ўзбошимчилик қилиб, игна санчишга кўрқдим. "Тез ёрдам" чақирдик. Врач келиб, уни обдон текшириб, керакли муолажаларни ёзиб кетгачина ишга киришдим. Шу тариқа Озодбек акам билан танишдим. У ўшанда 29 ёшда эди, ҳозир 32 да. Болалигида чана учиб, жардан йиқилган, ногирон бўлиб қолган экан.

- Нега тушунмайсиз, ахир? Мени ҳеч ким тушунмаса ҳам, сиз тушунишингиз керак. Ахир сизнинг ҳам шу дардга чалинган дугонангиз бор-ку! Юролмаасалар нима қилибди, уларда ҳам юрак бор, кўнгил бор, бошқаларга ўхшаб ажойиб фазилатлари бор!

- Галингизга юз фоиз қўшиламан. Лекин мени кечиринг, менимча, бу гаплари мен эмас, ота-онангиз билиши керак.

- Ҳамма гап шунда-да... Уларга қандай қилиб айтаман? Ахир ёлғиз қизи бўлсам?... Йўқ, мен Озодбек акамни соғ кишидан кам кўрмайман, лекин ота-онанинг ўз орзу-ҳаваслари бор. Ўзларича яхши жойлардан куёв топишади, тўй орзу-



## Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

Унинг саволига менинг жавобим йўқ эди. Ўзи ҳамшира экан, тиббиётдан хабари бор, одамлардан сўраб кўрмадим, деб сўрасам: "Мен буни ҳеч кимга айта олмайман", - деди. Нима дейишимни билмай, жим кетаётувдик, хаёлимда табиий бир савол туғилди. Кизиқ, нега олдинроқ буни ўйлабман-а?

- Орзу, Озодбек акамнинг ўзи бунга қандай қарайди? Ахир унинг ҳам фикри бордир?..

- У мени севади...  
- Ўзи шундай деганми?  
- Сиз ўрнида бўлганингизда севишингизни айта олармидингиз?

ни ўқиб чиққан экан. Ким бўлишдан қатъи назар, суҳбатдошига ҳурмат билан қарар, ўйлаб савол берар, жавобларни диққат билан тинглар экан. Менга унинг камтаринлиги ёқди. Ижоди ҳақида гап кетганда: "Умида мени мактаб бўлдимми? Унда расмларимни кўрсатмайман, ранжийсиз", - деб жилмайди. Лекин чизган расмлари ҳақиқатан ҳам мақтовли экан. Бекора у ҳақида туман газеталарида бир қатор мақолалар босилиб чиқилмаганига амин бўлдим. Яна, унинг босиқлиги таҳсинга лойиқ. Орзу Озодбек акамнинг бир

# ОРЗУНИНГ

нигоҳимни деразага қадаб, кетавердим. Гап нимадалигини билмай туриб нима ҳам дея олардим?... Бу вазият бир неча дақиқа давом этгач, кутилмаганда унинг ўзи менга мурожаат қилди:

- Мен сизни танийман. - Сизни Паркент марказида кўп кўрганман. Ногиронлар аравачасида қаридан бир дугонангиз ҳам бор, тўғрими?

Ҳақиқатан ҳам Сурайё исмли яқин танишим борлиги рост. - Нининг ҳам ақин инсоним ногиронлар аравачасига миҳланган. Лекин афсус, мен сизга ўхшаб, унга меҳр кўрсата олмайман... - Кутилмаганда қизнинг маъюс кўзлари ёшга тўлди. - Сизга ўхшаб, мен ҳам у билан шаҳар кезиб, сайр қилишни, боғларда суҳбатлашишни жуда истардим...

Қиз билан ақиндан танишиб олдик. Исми Орзу экан. Оилада бешинчи фарзанд бўлиб туғилган, ундан олдин туғилган барча болалар кўп яшамай, нобуд бўлишгани учун ота-ониси не-не орзулар билан "Орзу" деб исм қийишган эканлар. Орзудан кейинги укалари ҳам нобуд бўлаверган, фақатгина у 3-синфга ўтаётганда укаси Муроджон туғилган экан. Ҳозир Муроджон 7-синфда ўқир экан. Орзунинг ёши эса 23 да. Туман касалхонасининг даволаш бўлимида ҳамшира бўлиб ишлар экан. Турмуша чиқмаган, сабаби...

- Мактаб давримда ўзимча тенгдошларимдан қолиб кетмаслик учун мактабдошим Ёқуб билан учрашиб юрардик. Лекин бу шунчаки хавас эди. Унга нисбатан ҳеч қандай жиддий хисларим бўлмаган. Мен Чирчиқ шаҳридаги тиббиёт коллежига ўқишга кирганимда у уйланиб кетди. Кейин ҳаётимда Шавкат пайдо бўлди. Унинг менга бўлган муносабатлари жиддийроқ эди шекилли, тинмай совчилари уйимизга қатнайверди. Лекин ўқимши битмагани учун уйдагилар рози бўлишмади. Кейин эса Озодбек акам билан танишдим... - Қиз йиғлаб юбормаслик учун лабини тийлашди. - 3 йил олдин адам 4 қаватли "дом"имизни сотиб, ўрнига катта ҳовли харид қилди. Янги маҳаллага қўриб келганимизда ўқимши охири-лаб қолган эди.

Бир кун янги қўшилари-миздан бири чиқиб ўғли иситмалаб ётганини, унга



Юролмайти. Лекин сиз уни бир кўрсангиз эди, жуда яхши инсон. Ўзгаларга бўлган самийи муносабати, ҳурмати ни баъзи тўрт мучаси соғ одамдан тополмайсиз! Йўқ, яхши-си, мен сизни у билан таништириб кўяй, ўзингиз кўрасиз, минг эшитгандан бир кўрган афзал-ку!

Орзу қатъиятли қиз экан, вақтим йўқ бўлса ҳам, мажбурлаб ўша кунийқ Озодбек акани-кага етаклаб кетди. Йўл-йўлакай у киши нафақат ажойиб инсон, балки иктидорли рассом эканлигини, яқинда Маданият уйида унинг кўрғазмаси намойиш этилишини ва яна бир дунё маълумотларни тўлиб-тошиб гапириб берди. Албатта, буларнинг барчаси эътиборга лойиқ. Лекин мен учун деярли нотаниш қиз мендан нима исташини тушунолмайдиган экан. Шунинг учун у сал тинчланганда, секин унга шу саволини бердим. У бирдан-нига юришдан тўхтаб, менга тикилди-да, лаблари титраб:

- Мен уни севаман! - деди. - Турмуш курсам, у билан кураман, менга бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ! - деди.

- Ҳўп, майли, шунга истаганингиз, амалга ошираверинг, мени бунга қандай даҳлим бор?

сида... Менга эса Озодбек акамсиз дунё қоронғу! Зимдан унга боқаман - чиройли кўзлари тўла ёш...

- Орзухон, сизга нима дейишгаям хайронман... Ахир бундай вазиятга тушмаганман, билмайман.

- Наргиза, ўтиманан, менга бир нарсани айтинг фақат, бошқа ҳеч нима демасангиз ҳам майли! - қўлларимдан тутиб, ўтинч тўла кўзларини менга тикаркан, ўзини йиғидан аранг босиб тургани шундоққина билиниб турарди. - Улар, унга ўхшаганлар... У ахир юролмайти, биласиз-ку... Ногирон бўлса ҳам, унга ўхшаганлар фарзанд кўра олармикан?

Хижолатдан Орзунинг яноқлари лов-лов ёнар эди. Қўлларимни қўйиб юбориб, паст овозда:

- Фақат мени тўғри тушуниг, илтимос. Шахсан менга у кишининг нуқсонлари аҳамиятли эмас. Лекин ота-онам... 6 та гўдакни ерга қўшган. Тирноққа зор бўлишганда, дарди-га малҳам бўлиб келдим дунёга. Менинг бахтим улар учун ҳамма нарсадан муҳим, биланман. Лекин улар ҳам неваралик бўлишни, бобо-ю, буви бўлиб юришни исташади-ку! - тушунтирди куюниб.

# ОРЗУНИ

Яна жим кетдик. Бир оздан сўнг у хаёлчан ерга тикилиб: - Севишни кўзларидан, юзларидан, хатти-харажатларидан биламан, сезаман. Лекин у ўз аҳволидан ўқинади. Биламан, унга турмушга чиқсам, ҳаётим осмон кечмайди. Лекин мен ҳаммасига тайёрман. Унга ўзим гамхўрлик қилардим, парваришлардим... - деди.

Фидоийликка тайёр бу қизга яна хайратланиб қарардим. Ким экан у Озодбек деганлари, қандай инсон экани, шундай узун соч ойқизининг оташ муҳаббатига сазовор бўла олган бўлса?

Энди чиндан ҳам қизиқишим ортиб, Орзу етаклаётган ҳовлига ўзим ҳам ошиқдим. Уйи узок экан, анча йўл босдик. Ниҳоят, ҳаворанг дарвоза олдида тўхтаб, Орзу кўнғироқни босди.

Бир ўсмир йигитча чиқиб, бизни ичкарига тақлиф қилди. Йигитча Озодбек акамнинг хияни экан, исми - Холдор. Ҳовлига кирсангиз нақд жаннатнинг ўзгинаси. Ҳамма ер ораста, мевали дарахтлар соясида гулу райхонлар гулгун очилиб турибди. Ховлининг ўртасидан жилваланиб оқаётган ариқ хонадонга ўзгача фойз бағишламоқда.

Холдоржон рўпарадаги хонанинг эшигини очиб, Озодбек акага меҳмонлар келганини айтди. Кўз ўнгимда Орзунинг қийфаси ўзгариб борарди: мунгли кўзлари ҳаяжон ва севишчанга тўлиб, чеҳраси ёришди. Холдорнинг ортидан хонага кириб:

- Озодбек ака, олдингизга суратчи қизни олиб келдим, бир тўйиб суратга тушайлик! - деди қулиб.

Озодбек ака хонтахта олдида ўтириб, чизгич билан нималарнидир ўлчаб, ҳисоблаб ўтирган экан, бизни кўриб, дарров машғулотини йиғиштириб, ўтиришга тақлиф қилди. Холдоржон чой дамлаб, дарров дастурхон ёзди. Озодбек акани мен тушкунликка тушиб қолган маъюс инсон деб ўйлагандим, адашибман. У билан озгина суҳбатлашгач, Орзу адашмаганини англадим. Чиндан ҳам Озодбек ака кампаг, ақли, заковатли инсон экан. Хонасида тартиб билан терилган бадий китобларни бари-


иждодий гоёси ҳақида гапириб қолувди, мен атайлаб Озодбек акамнинг фикрига қўшилмадим. Озодбек ака қизишмади, ўзиникини маъқуллаб бахшлашмади. Шунчаки, фикримни диққат билан тинглади-да, албатта инобатга олиб, ўйлаб кўришни айтди.

Кейин ҳаммамиз биргалишиб палов пиширдик. Бу орада Озодбек акамнинг ойисси Мухтабар ая ҳам келиб қолди. Жуда ҳам меҳрибон аёл экан, келганимизга бирам қувондики! Мен паловни сузиб келсам, Орзу йўқ, Холдор билан орқа ҳовлига қучуқчаларга овқат бергани кетишибди. Салдан кейин Холдоржон ёлғиз қайтиб, Орзуну кутмаслигимизни айтди, у қучуқчаларни ўйнатиб қолиб кетибди. Янги танишимни жонзотларга меҳри ўзгача экан-да, деб ўйлаб турувдим, қўлларини ювиб, ўзи ҳам келиб қолди. Шунда Озодбек ака жилмайиб: "Бу қизга овқат шарт эмас, кучук-мушуклар бўлса бўлди, уларни эркаласа, қорни тўяди", деб Орзуга қаради. Кўнғлидаги севиши, ардоғи, меҳр-муҳаббатининг акси бор эди, бу нигоҳларда... Хавасим келди.

Уйга ёлғиз қайтдим. Умидага ўзим кўнғироқ қилишимни айтган бўлсам-да, негадир бир неча кун қўлим бормади. Ахир унга нима ҳам дея олардим, қандай маслаҳат бера олардим? Йўқ, охири ўзи менга сим қокди. "Ўзингиз бир нима деёлмасангиз, лоақал танишларингиздан сўраб кўринг, маслаҳаттўйи қийиб қолар..." - деди. Кимданам сўрардим. Ўйлаб-ўйлаб, сизларга мурожаат қилишга аҳд қилдим. Орзуга ҳам бу фикр маъқул келди. Ахир "Оила ва жамият"ни ёшу қари ўқийди, улардан ҳам бирор бир фикр чиқар. Қолаверса, тиббиёт соҳасида фаолият юритадиган мухлислар ҳам бор, улар ҳам маслаҳат-у мулоҳазаларини айтишар... Ахир икки инсоннинг тақдир хал бўлапти, илтимос, азизлар, бефарқ бўлманлар. Орзу Озодбек акага турмушга чиқса, фарзанд кўра олармикан?

НАРГИЗАБОНУ

# ЁСТИҚДОШИНГИЗ - "ОНАСИНИНГ ЭРКАСИ" БЎЛСА...



**Инсоннинг ака-ука, дўст-ёрлари кўп бўлиши мумкин, ammo унинг онаси биттагина бўлади. Шу боис, аксарият эркеклар биринчи галда онасини, шундан сўнггина бошқа аёлларни, яъни хотини, опа-сингилларини, амма-холаларини яхши кўришини табиий ҳол сифатида баҳолаш керак. Лекин қаршингизда турган эркек "онасининг ҳақиқий эркаси" бўлса-чи?! Бундай эркек билан турмуш курган аёлларга осон тутиш керак эмас. ЭРКАТОЙЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?**

Биринчи навбатда, бундай эркеклар барча тизгинлар аёлнинг - онанинг кўлида бўлган оилаларда вояга етадилар. Бошқача айтганда, хотин қарийб ҳамма масалаларда эрини "гаҳ" деса

кўлига кўнадиган қилиб олган. Бунақа оилада улғаяётган ўғил бола учун ҳар жабдада ҳукмрон онаси ҳаётда доим суянса бўладиган ягона инсон. У отасидан кўра кўпроқ онасидан ҳайиқади, ўрни келганда фақат онасидан маслаҳат олади.

Иккинчи ҳолат эса қуйидагича: жоҳил ота хотини-га умуман кун бермайди. Оқибатда, аёл эрига аталган меҳрини ҳам ўғлига бағишлайди, уни керагидан ортқ суйиб-эркалайди. Натихада, у эркатой бўлиб вояга етади.

## ЁЛГИЗ АЁЛНИНГ ЎҒЛИ

Турли сабабларга кўра, онаси кўлида отасиз ўсаётган ўғил болалардан ҳам "онасининг эркаси" вояга етиши мумкин. Чунки нукул онаси ва бувиси парваришида бўлган бола ҳақиқий эркек қандай бўлиши кераклигини қаердан билсин? Кўни билан ишда бўладиган она отасиз ўсаётган болачонни кўнглини ўқитмасликка уринади. Бувиси эса кўчага чиқса ҳам, уйга кирса ҳам атрофида парвона. Хуллас, қарабсизки, эркатой ўғил улғайиб турибди-да.

## ЯПОНЧА ТАРБИЯ МАҲСУЛИ

Рухшунослар фикрича, "онасининг эркаси" бўлган эркекларнинг аксарияти болалигида "японча" тарбия олган. Бунинг маъноси шуки, японлар фарзандларига

5 ёшга тўлгунича ҳамма нарсага руҳсат бериб қўядилар. Шу даврда боланинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади, озгидан чиққан нарса муҳайё қилинади. Ваҳоланки, айнан 5 ёшгача бўлган даврда боланинг шахс сифатидаги хусусиятлари шакллана боради. Шу сабабли, японча тарбия кўрган болалар худбин, фақат ўзини ўйлайдиган, онасига суянадиган эркатой бўлиб вояга етадилар. У, ҳатто катта ёшга кириб, бола-чақали бўлганда ҳам - "ҳамма менинг айтганимни қилиши шарт, менинг эса ҳеч кимнинг олдида ҳеч қандай мажбуриятим йўқ", деган қоидага амал қилиб яшайди.

## СЕВМОК ОСОН, АММО...

Аксарият қизлар онасининг эркаси бўлган йигитларни бир кўришдаёқ севиб қолишлари мумкин. Чунки улар одатда, доим ораста кийинган, хушмуомала, эътиборли бўлишади. Улар ўзаро суҳбатларда бирор нарсага шахсий фикрини, муносабатини билдиришдан кўра, "менинг онам..." деб, бунақа пайтда онаси қандай йўл тутишини мисол келтиришни афзал билади. Бундай эркек билан оила курган аёл бахтли яшаши мумкин. Фақат бунинг учун аёл гайратли ва фармонбардор бўлиши керак. Азиз аёллар, мабодо онасининг эркатойи бўлиб ўсган эркек билан тақдирингиз боғланиб қолган бўлса, қуйидаги маслаҳатларга амал қилинг:

1. Оилавий турмушнинг дастлабки кунлариданоқ диққат билан кайнонанинг ва эрингизнинг хатти-ҳаракатларини кузатинг. Аввало, эрингизга онасининг қайси томонлари ўнчалик хуш келмаслигини аниқлаб олинг. Эрингиз билан муносабат боғларкансиз, айнан ана шу нарсаларни тақдорла-

масликка ҳаракат қилинг. Эрингизга маъқул жиҳатларини ўрганинг ва шунга амал қилаверинг. Рухшунослар таъкидлашича, эркатой ўғилларнинг аксарияти онаси измидан чиқиб, мустақил бўлишни исташади, ammo бошқа суянчқилари бўлмагач, хато қилиб қўйишдан қўрқашади. Агар эрингиз сизда айнан онаси ўрнини эгаллай оладиган суянччи ҳис этса, мақсадимга эришдим, деяверинг.

2. Эрингизни қайта тарбиялашга ҳаракат қилинг. Тўғри, бу нарса осон бўлмайди, ҳатто шундай қилишга уриниш бефойда кетиши ҳам мумкин. Ammo ҳеч бўлмаса, унинг онгига аёллар оқиша бўлганлари боис, ҳар доим эркекнинг таянчига эҳтиёмжанд эканликларини сингдиришга уриниб кўринг.

3. Албатта, эркатой ўғил ўстирган аёлнинг кўнглига йўл топиш осон бўлмайди. Сиз қанчалик қўл-оёғи чаққон, ораста, пазанда бўлманг, кайнонанинг учун ўғлини ундан тортиб олаётган "рақиб" бўлиб қолаверасиз. Шу боис, кайнонанинг билан муносабатингизни яхши қилинг, имкони борича, унинг кўнглига йўл топишга урининг. Ammo зинҳор-базихор кайнонанинг билан "сан-ман"га бора кўрманг. Чунки, эрингиз барбир сизнинг эмас, онасининг ёнини олади. Айнан шу сабаб туфайли бўзилиб кетётган оилалар ҳам оз эмас.

**Рухшунослар "онасининг эркаси" бўлган эркекларни шартли равишда икки тоифага ажратдилар. Биринчи тоифадагилар болаликдан ўз хоҳишларига етишиш учун бошқа яқинларини четга суриб қўядилар. Яъни ҳамма яхши нарсалар айнан унга бўлиши керак. Қолганлар эса "иккинчи даражали" одамлар. Иккинчи тоифадагилар эса инжиқлик, хархаша билан ўз мақсадларига етадилар. Улғайгач ҳам уларни ана шу инжиқлик тарқ этмайди.**



**Оила бюджетни одатда ойлик маошлар, муқофот пуллари, нафақалар, савдо-сотик, деҳқончилик ва бошқа қўшимча манбалардан олиннадиган даромадлардан ташкил топади. Ана шу манбаларга қараб, турли оилаларнинг бюджети ҳам турлича бўлади. Ammo деярли барча оилаларга хос битта муаммо бор. Яъни, маблағ биринчи навбатда нималарга сарфланиши ҳамда бу борада эр-хотиннинг қай бири ҳал қилувчи овозга эга бўлиши лозимлиги муаммоси. Қуйида тавсиялар бу борада, айниқса ёш оилаларга қўл келиши мумкин.**

## ОРЗУЛАР НИМА БЎЛАДИ?

Аввало шуни англаб етиш керакки, инсон учун пул ҳеч қачон ортқчалик қилмаган. Қанча кўп бўлса, унга шунча кам кўринади. Шу боис оила бюджетни масаласи кам таъминланган оилаларда ҳам, ўртаҳолларда ҳам, пулдорларда ҳам бор. Бировларни кўпроқ "Машинанинг қайси русумдагисини олиш керак? Дам олгани қаерга бориш керак?" деган саволлар қийнаса, яна бировларни эса "орзуларимизга эришиш учун қачон етарли пулимиз бўларкан-а?" деган савол ўйлантиради.

Шуниг учун, аксарият рухшунослар оила бюджетининг 80 фоизини кундалик эҳтиёжлар учун, 20 фоизини эса "орзулар рўёби"га тарзида тақсимлашни маслаҳат берадилар. Шунда аста-секинлик билан бўлса-да, баъзи орзулар ҳам амалга оширилади, рўзгорнинг умумий харажатлари ҳам меъёрида бўлади.

# Билел БЮДЖЕТИ

## ТАЖРИБА БИРДАН КЕЛМАЙДИ

Айрим ёш оилалар оила бюджетини режалаштириш борасида озгина бўлса-да кўникмага эга бўлмаганлари сабаб, қутилмаган қийинчиликларга дуч келиб қолишади.

Ҳўш, нима қилмоқ керак? Аввало, байрамлар, туғилган кунлар баҳонасида ёки шунчаки хурсандчилик учун олиннадиган совғаларнинг тахминий рўйхатини тузиб чиқинг. Шундай йўл тутиш керакки, совға ҳам эсда қоларли, ҳам оила учун асқотадиган нарса бўлсин.

## САРФЛАДИНГИМИ, ЁЗИБ ҚЎЙ!

Агар икки-уч ой мобайнида энг майда харажатларгача махсус дафтарга қайд этиб борсангиз,

пулларингиз нималарга сарфланаётгани кўз олдингизда намоён бўлади. Бу келгусида оила бюджетини янада самаралироқ режалаштиришингизга ёрдам беради. Оила бюджетини режалаштиришда, албатта қуйидаги

1. **Озик-овқатлар.**
2. **Коммунал тўловлар.** Электр энергияси, телефон, иссиқ-совуқ сув ва бошқа турдаги коммунал тўловларга ишлатиладиган пул.
3. **Маиший харажатлар.** Бу ерда кундалик рўзгорда зарур шахсий гигиена, косметика воситалари, энг зарур дори-дармонлар кўзда тутиллади.
4. **Транспорт харажатлари.**
5. **Таълим-тарбия учун.**

## 6. Газета-журналлар, китоблар.

## 7. Кийим-кечак.

## 8. Мебель ва маиший техника воситалари.

## 9. Соғлиқ учун маблағ.

## 10. Майда харажатлар.

Бу йўналиш юқоридаги тўққизта бандда кўзда тутилган харажатлардан тежалган маблағлардан ташкил топади. Харажатларини назорат қилишга қийналадиган, яъни қўнтакда бор пулни керак-но керак нарсаларга ўйламай сарфлаб қўядиган инсонлар ҳам бор. Улар ҳар кун эртар бўладиган харажатлар учунгина пул олиб чиқишга одатланишлари керак.

## БЮДЖЕТНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Мутахассислар бу борада кенг тарқалган тўртта ҳолатни таснифлайдилар:

1. **Она ва бола.** Бундай оилада хотин эрига нисбатан анча қўл даромад топади. Хотин мулқийвий масалада эрига ишониб бўлмаслигини аллақачон англаб етган. Эр эса хотинига ҳақиди ёш бола онасига суянгандай суяниб қолган ва ҳали яхши кунлари(айнан пул топиш маъносидан) олдиндалигига ўзини ўзи ишонтириб яшайди. Битта

ёмон жиҳати, бундай оилаларда, аксарият ҳолларда, жинсий ҳаётга путур етади. Чунки хотин эри билан худди ёш болада қарайди, бўлар-бўлмаста уни камситиб, жеркиб туради.

## 2. Ўзаро боғлиқлик.

Аксарият ҳолларда бундай оилаларда эр хотинига моддий томондан, хотин эса эрига руҳий-ҳиссий ва маънавий жиҳатдан боғланиб қолган бўлишади. Энг қизғини, аёл эридан кўп пул топса-да, уларни эрининг руҳсатисиз сарфлашга иккиланиб туради.

## 3. Назоратчи эр.

Кўпгина оилаларда қуйидаги ҳолат кузатилади: рўзгорни аёл юрилади, бозор-ўчар, хуллас, ҳамма харидларни ўзи қилади. Эр эса назоратчилик қилиб, хотинининг асабига тегади. Эр, аслида, ўзининг кам пул топишидан хотини норози бўла бошласидан ҳужумга ўтиб, пулни ўйламай сарфлаётгани учун аёлни тергайди.

## 4. Пулдор бойвачча.

Бюджетни, сарф-харажатларини фақат эр бошқаради. Хотини ва фарзандларни пул зарур бўлиб қолганда унинг олдида қўллуқ қилиб туришга, илтимос қилишга, тушунтиришга, ялинишга мажбурлар. Эр ўзининг кимлигини яна бир бор кўрсатиб қўйиш учун баъзи-баъзида узоқ ялинишларга қарамай, "Йўқ!" деб жавоб беради. Бу эса оилада ҳар доим ҳам ошқор этилавермайдиган ички норозиликни келтириб чиқаради.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# БОШ ОҒРИҒИ БЕЗОВТА ҚИЛСА...

**Баъзан мия томиридаги асаб хужайралари сиқилиб қолиши натижасида бошингизда бирдан оғриқ пайдо бўлади. У тўсатдан бошланиб, аста-секин кучая бориши мумкин. Бош гоҳ санчиб, гоҳ лўқиллаб, гоҳ эса симиллаб оғриб, сизни беҳаловат қилади. Бу оғриқ азобиغا чидай олмай, дори-дармонлар ичишни бошлайсиз. Аммо ҳадеб дори ичаверишдан организмингизга зарар етиши мумкин. Шундай экан, бош оғриғи табиий усулда қандай тўхтатиш мумкин?**

## САБАБИНИ АНИҚЛАНГ!

Кутилмаганда бошланган бош оғриғини қолдириш учун, аввало унинг сабабини аниқлаш лозим.

● Бош миянинг ўзи оғримайди. Чунки мияда оғриқнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган асаб толлари йўқ. Лекин мия суягини ўраб турадиган пардага ички ва ташқи томонидан кўп миқдорда боғланган асаб толлари (сезиш нейронлари ўсимталари) оғриши мумкин.

● Оғриқли спазмаларнинг пайдо бўлишига яна бир сабаб, мия қопқоғини сиртдан ўраб турадиган нозик мушак қатламнинг ҳаддан ташқари зўриқишидир.

● Аёлларда ҳайз кўриш вақтида танада адреалин миқдори ошиб, глюкозанинг миқдори эса камайиб кетади. Бу вақтда ҳамиша кайфият яхшиланиши учун тез-тез ширинлик еб туринг.

● Камқонлик (анемия) ҳам бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Ҳайз даврида кўп қон кетадиган аёлларда ва ҳомиладорларда кузатилади.

● Кўпинча, бош оғриғи хуружи шамоллаш энди бошланаётган пайтда кузатилади.

● Баъзан эса бош оғриғига даволанмаган тишлар ёки кучли шовқин ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

● Айрим дори-дармонлар, айниқса оғриқни қолдирадиган воситаларни жуда кўп истеъмол қилиш ҳам оғриққа сабабчи бўлади.

● Уйқусизлик ҳам бош оғриғининг сабабларидан бири. Илоҳи бўлса, кунига 7-8 соат ухлашга одатланг. Тўйиб ухлаш ҳар қандай доридан кўра фойдалидир.

● Асабий зўриқиш, қаттиқ руҳий изтиробга тушиш ҳам оғриқни кўзгайтиради.

● Чакка хужайраларнинг сиқилиб қолиши, бош миянинг қон билан етарли таъ-

минланмаслиги оқибатида ҳам хуруж қилади.

● Косметик воситалардан меъёрида фойдаланинг. Уларнинг ўткир ҳидлари бошни оғритади.

● Сақинчи узок чайнамасликка ҳаракат қилинг. Бу ҳам оғриқ кўзгайтиради.

## СУВ ВА ҲАВО - ЭНГ ЯХШИ ДАВО!

Бошингиз тез-тез оғриши натижасида тана сувсизланиб қолади. Катта ёшдаги одам бир кунда 1 литрдан 2 литргача сув ичиши керак. Ҳомиладор ва эмизикли аёлларга эса икки баравар кўп сув ичиш тавсия этилади. Бош оғриғини қолдириш учун баъзан 1

саллик наслий бўлиши, зўриқишлар, қон босимининг ошиши, дориларни кўп ичишнинг оқибати бўлиши ҳам мумкин.

Аммо бунга, кўпинча ёнғоқ, пишлоқ, шоколад ёки қизил винони кўп ичиш ҳам сабаб бўлади. Шу сабабли, пишлоқ, шоколад, қаҳва, туз ва ёнғоқни кўп истеъмол қилиб бўлмайди. Айниқса, музқаймоқ ва гўшти консервалардан камроқ енг. Агар бу ҳам фойда бермаса, улардан умуман воз кечинг.



## БОШ ОҒРИҒИ ДАФТАРИ

Бошингиз оғриши сабабини аниқлаш учун кундалик дафтар тутинг. Оғриқ қай ҳолатда, қандай таомлар еганингиздан сўнг бошланди, шуларни алоҳида ёзиб юринг. Оғриқнинг илк белгилари пайдо бўлгандаёқ қайд этиб борсангиз, ўз касаллигингизни тахлил қила оласиз ва давосини ҳам тезда топасиз.

## Қуйидаги усуллар билан бош оғриғи тез тузалади:




1



2



3



4

● Спиртли ичимликлар, пиво, арок, қизил вино ва шампан виносидан ичганингизда бошингиз оғримайди-ми? Агар бир бокал пиводан сўнг бош оғригингиз кўзгалдиган бўлса, яхшиси ичманг.

● Оқоридаги ҳолатларда эса оғриқни қолдирувчи воситалардан истеъмол қилишга тўғри келади. Лекин дори ичиш ўрнига, илқ ванна қабул қилиш, пешонага бир неча томчи ялпиз мойидан суриб ишқалаш ёки совуқ нарсаси (масалан, муз) босиш мумкин.

● Агар сизни бош оғриғи

литр сувни кальций ёки магнийга қўшиб ичиш кифоя қилади.

Танадаги сув танқислигини маъданли сув ёки гиёҳлардан тайёрланган чай яхши қондиради.

Бош оғриганда тоза ҳавода кўпроқ айланиш ва уй хоналарини тез-тез шамоллатиб туриш лозим. Жисмоний машқлар тана тўқималарида қон айланишини яхшилаб, уларнинг ксилород билан тўйинишини таъминлайди.

## БУ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Бошингиз вақти-вақти билан оғриб туриши - Мигрень касаллиги дейилиб, у кутилмаганда бошланади. Бош мия кўзғалишининг меъёридан ортиқча ошиб кетиши худди бош мия пўстлогининг шамоллаши оқибатида келиб чиқадиган оғриққа ўхшайди. Одатда, оғриқ бошининг бирор томонида бошланади. Бундан ташқари, кўз олди қоронғилашиб, жимирлай (юлдузчалар пайдо бўлиб) бошлаши мумкин. Ёруғликка бўлган таъсирчанлик ошади. Ушбу белгилар пайдо бўлган пайтда кўнгул айнаши, қусиш ёки оёқларингиз қотиб қолиши ҳам кузатилади.

Бошингиз тез-тез оғришининг сабаблари кўп. Бу ка-

айланма ҳаракатлар билан уқаланг.

3 Қулоқ солинчоқларини бир маромда, аввал енгил, кейин эса бармоқларни сал-сал теккизиб, сўнгра қаттиқ-қаттиқ уқаланг.

4 Бош ва кўрсаткич бармоқлар орасида бир нуқта бор. Шу нуқтани топиб, бармоқлар орасидаги терини сиқиб-сиқиб қўйинг. Сўнг соат мили йўналишида уқаланг.

Бош оғриганда ўзингиз қилишингиз мумкин бўлган воситалардан фойдаланиб оғриқни қолдиришга ҳаракат қилинг. Масалан, юз ва бош томирларини машқ қилдиришга уриниб кўринг. Бу машқларни стулда ўтирган ёки кўзга қаршида турган ҳолда бажариш мумкин.

1. Қошларингизни тепага кўтариб, туширинг. Сўнг яна кўтариб ўзингизни бўш қўйинг, кейин яна пастга туширинг.

2. Ўнг қошингизни кўтариб, пастга туширинг. Бу вақтда чап қошингизни қўлингиз билан босиб туришингиз мумкин. Сўнг чап қошингизни тепага кўтаришга ҳаракат қилинг.

3. Кўзларингизни юминг. Кўзларингизни очмасдан бурнингизга ва тўғрига қарашга ҳаракат қилинг.

4. Ўнг қўзингиз билан бурнингизга қаранг. Сўнг кафтингиз билан ўнг юзингизни шундай босингки, оғзингизнинг бурчаклари кўтарилсин. Бу машқни чап қўзингиз билан ҳам бажаринг.

5. Қовоғингизни солиб, ўзингизни бўш қўйинг. Бармоқларингиз билан қошларингизни ўртага суринг.

6. Оғзингизни аста-секин, илоҳи борича каттароқ очиб эс-нашга урининг. Бу вақтда пастки жағингизни охиригача пастга туширинг.

7. Оғзингизни катта очиб, пастки жағингизни ўнг ва чапга суриб ҳаракатлантинг.

8. Бирон ёқимсиз ҳидни ҳидлаётгандек бурнингизни тириштиринг.

9. Башарангизни ҳар хил кўринишга солиб буриштиринг.

10. Кўзларингизни юминг-да, кафтларингизни бирлаштириб чап чаккангизга тиранг. Шу ҳолатда 5-10 дақиқа ётсангиз оғриқ таққа тўхтайд.

11. Чакка, пешона ва бўйингизни "Олтин юлдуз" малҳами билан ишқаланг. Ярим соатдан сўнг оғриқ тўхтайд.

ДИЛБАР ВА ҲАМИДА ТАЙЁРЛАШДИ.

**Бош оғриғи кўпинча ҳаддий касалликлардан дарак беради. Агар қуйида кўрсатилган белгилардан бирортасини ўзингизда сезаётган бўлсангиз, дарҳол шифокорга учрашингиз керак:**

- ⊞ Агар 40 ёшдан сўнг ўз-ўзидан бошингиз оғриб бошласа;
- ⊞ Бош оғригингиз тез-тез қайтарилиб, ҳар гал кучлироқ оғриса, бош айланиши, беҳоллик сезилса, кўз олдингиз қоронғилашиб худдан кетиш даражасига ётсангиз;
- ⊞ Бош оғриғи ҳаётингизни издан чиқариб, режаларингизни амалга оширишга ҳалал бера бошласа;
- ⊞ Бош оғриғига бошқа касалликлар ҳам қўшилса;
- ⊞ Қон босими ошишига сабаб бўлса;
- ⊞ Бир пайтлар олинган жароҳат (мия суяги жароҳати, мия чайқалиши) сабаби бўлса;
- ⊞ Нейроинфекция ва танадаги модда алмашиш жараёни бузилиши оқибати бўлса;
- ⊞ Қон босимининг ошиб кетиши ёки умуман пасайиб кетиши;
- ⊞ Тож томирларда тикилмалар пайдо бўлиши, бош мия асаб томирлари кенгайиши (мигрень) бўлса.



**185** **Ёшим 56 да.** Тошкентликман. Ажрашганман. Олий маълумотлиман. Баланд бўйли, кўрақ эркакман. Ишлайман. Ичмайман, чекмайман. Уй-жойим йўқ (уйимни оиламга ташлаб кетганман). Уй-жойли, миллатидан қатъий назар, 50 ёшгача бўлган, олий маълумотли, бева аёлга (фарзандлари бўлса ҳам майли) тошкентлик ёки Чирчиқ шаҳридан бўлган аёлга уйланмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
**Баҳодир**

**186** **Ёшим 65 да.** Наманган вилоятининг Косонсой туманида ўз ховлида яшайман. Ажрашганман. 55 ёшгача бўлган, болаларидан қутулган ёки битта фарзанди бўлган аёлга уйланмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
**Мансур**

**187** **Ёшим 47 да.** Ажрашганман. Бир ўғлим бор. Тошкентда яшайман. Ўзимнинг уйим бор. 60 ёшгача бўлган, уй-жойли, дёнотли бир инсон билан танишмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
**Заропат**

**188** **Ёшим 61 да.** Аёлим вафот этган. Ўз уйим бор. Ёлғиз яшайман. Фарзандларимдан қутулганман. 55 ёшгача бўлган, ибולי, покиза, фарзандларидан қутулган аёл билан тақдиримни боғламоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
**Ўткир ака**

**189** **Ёшим 23 да.** Бир ўғилчам бор. Ажрашганман. Ота-онам билан яшайман. Асли қашқадарёлик бўлса-да, анчадан буён Тошкентда яшаймиз. Асли касбим доришунос бўлса-да, бичиш-тикиш, пишириқлар пиширишни яхши биламан. 30-40 ёшгача бўлган, касбли, уйи бор, зиёли, ўғлимга ота меҳрини бериб, оилани қадрлайдиган имонли эркак билан турмуш қуриб бахтли бўлмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
**Эъзоза**

**190** **Ёшим 62 да.** Асли тошкентликман. Аёлим вафот этган. Зиёли инсонман. Келинларим билан яшайман. Тошкент шаҳрида яшайдиган, ёлғизлик азобини тушунадиган, оқила, оғир-вазмин, 56 ёшгача бўлган, уй-жойли, фарзандларидан қутулган ёлғиз аёл билан оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
**Шоҳрух ота**

**БАСИРА тайёрлади. Тел: 133-04-50**  
Газетамиз саҳифаларидаги маъмур раъз билан белгилаган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

**К**иш кечалари узун, ухлаб тонг отириш қийин. Шундай кезларда қишлоқларда кўпчилик кечалари гурунғ ахтаришади. Бу оқшом ҳам Диёр хотин, болалари даврасида бирпас телевизор кўргач, зерикди. Сўнг аста туриб, ташқарига чиқди. Эшик олдида бир зум тургач, ҳамсоysi Зойирни кўриб олди. Зойир ҳам сандалда оғзини носга тўлдирган холда шифта тикили-иб ётган экан. Иккиси сандалга ўтириб у ёқдан, бу ёқдан гурунғ қила бошлашди.  
- Диёр, - деб қолди Зойир бир маҳал, - шу, "сопини ўзидан чиқарди", деган гапнинг маъноси нима-а, сиз ҳам кўп иштатасиз-ку, шу гапни?  
Диёр бир нафас хаёлчан тургач, илжайиб деди:  
- Мени мазах қилаётганингиз йўқми?  
- Улай агар, мазах қилаётганим йўқ, ростдан билмайман.  
- Унчалик бўлса, ярим соат шу жойингиздан қимирламай, мени кутиб туринг. Мен ярим соатда қайтиб келиб, маъносини исботи билан тушунтириб бераман. Ухлаб қолманг тагин.  
Диёр шундай деб иргиб ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Уй олдида турган офтобага кўзи тушди. Уни олиб, Зойирнинг товуқ катаги ёнига борди. Катак эшигини оҳиста очгач, кафтига икки-ич марта сув тўлдириб катак ичига сепди. Товуқлар овоз чиқармасдан, бир-бирларига қисилишиб, гўж бўлиб олишди. Диёр тўри келган бир товуқнинг оёғини жуфт қилиб ушлаб, катакдан тортиб олди-да, жўнади. Уйдагиларга сездирмасдан ошхонага кириб, товуқни сўйди-да, апилтапил наридан-бери қилиб тозалади. Патларини бир елим халтага, гўштини иккинчи елим халтага жойлагач, қўлини ювиб, яна Зойирни кўриб олди.  
- Ухламадингизми, Зойир?  
- Ухлаганим йўқ. Бу дейман, "сопини ўзидан чиқарди"нинг маъноси шунчалик қийинми-а, қаёқларга бориб келдингиз?  
- "Ўзидан соп чиқариш"ни ўйин деб ўйлабми-ддингиз? Уйда арогингиз борми?  
- Ароқ йўқ эди-да, нимаиди?  
- Йўқ бўлса, ҳамсоянгиз Темир ароқ сотади-ку. Дарров икки минг сўм бериб, ўлгингизни жўнатиб, битта ароқ олиб келсин. Кейин хотинингизга айтиб, манави товуқни тез қовуриб берсин. Товуқ билан ароқни майдалаб туриб, сопини ўзидан чиқаришни бафуржа тушунтириб бераман.  
Зойир хотини Софияни чақириб, товуқни қовуришни буюргач, ўғли Тойирни Темирникога ароққа жўнатди. Сандал устига дастурхон ёзилди. Бир оз ўтиб, қовурилган товуқ гўшти билан ароқ ҳам келтирилди.  
- Ўчоқнинг олови газданам зўр-да, - деди Диёр суяк кемира туриб, - бирпасда пишибди, жонивор товуқнинг гўшти.  
- Ўтиниям зўр-да, - гурурланиб гапирди Зойир, -

Диёр ҳиринглаб кулиб, - сизга товуқнинг нима қизиқчилиги бор? Сизга товуқ эмас, "сопини ўзидан чиқариш"нинг маъноси керак-ку!  
- Битта гапнинг маъносини билиш учун икки минг сўмим кетадиган бўлса, асло керакмас! Энди қайтиб биронтаям гапнинг маъносини сўрамайман сиздан!  
- Гапнинг маъносини билиш осон эмас-да. Оз-оз ўрганишдан олим бўлган одамлар. Қолаверса, зиёни қилдингизми? Гўшт еяксиз, ароқ ичяксиз, гурунғ дегандай... Бекоргаём ўтираддингиз-да, зерикиб.  
- Майли, бўлари бўлди, икки минг кетди...  
- Товуқ сиздан.  
- Товуқ ҳамдан-ку. Хўш, энди айт-тарсиз, "сопини ўзидан чиқариш"нинг маъносини. Икки минг кетганига яраша ҳеч бўлмаса шу гапнинг маъносини билиб олай, бошқа сўрамайман энди.

Кайфим ошди, ҳозир яхши тушунтиролмайман. Эрталаб келиб, бафуржа тушунтириб кетаман. Омин! Мен кетдим...  
Эртаси куни Зоир Диёрникога йўл олди.  
- Кутдим, боравермаганингизга ўзим келдим, - деди Зоир.  
- Нега кутдингиз? Қаерга боришим керак эди? - талмовсиради Диёр.  
- Айтгандингиз-ку, эрталаб келиб, "сопини ўзидан чиқариш"нинг маъносини бафуржа тушунтириб бераман, деб.  
- Кеча сопини ўзидан чиқариб бўлди-ку, яна нимагини тушунтираман, - бамайлихотир оҳанда деди Диёр. - Ўзингизнинг хўрозингиз, ўзингизнинг арогингиз, ўз уйингизда, ўзингизнинг дастурхонингиз билан ўзингизни сийладим. Шу бўлади-да, сопи ўзидан чиққани. Яна маъносини тушунмаётган гапнингиз бўлса айтиб, кечга ўтиб, бафуржа тушунтираман...

# СОПИ ЎЗИДАН



**Қишлоқ ханомлари**

Массивой юлғунзоридан Хўшали иккимиз икки кун кесиб, эшак аравада уч кеча ташиганман.  
- Менга қаранг, Диёр, сўйилиб тозаланган тайёр товуқни дарров қаердан топиб келдингиз, ўзи? Ё Сулувнинг ба-рига бориб келдингизми?  
- Узумини енг-у, боғини суриштирманг, - деди

**Нормамат ТОҒА, Қашқадарё вилояти.**

## «АНА, ЭНДИ ХУДОЙИ БЎЛАДИ!»

Жамшид бола эмасми, ҳар нарсага қизиқади, қизиқиб савол бераверади, то билмагунча қўймайди.  
Айни пахта мавсуми вақти. Жамшидлар яшайдиган уйнинг атрофида кетмакет бир-иккита худойи-маърака бўлди. Ҳар гал қўшнилари худойига отланишаётганида Жамшид тўй, деб ўйладими, аясига эргашди.  
- Қаёққа?  
- Тўйга.  
- Тўй эмас, бу ўғлим, худойи. Ёш болалар борса, "ай-йа-йа", бўлади, - деди аяси қўлини юзига тортиб.  
Жамшид аясининг бу гапидан тўмтайиб олди. Худди шуни пойлаб турган эканми, дадаси уни имлаб қақирди. Жамшид истамайгина дадасининг олдида келди ва даб-дурустан:

- Дада, худойи нима? - деб сўради. Азбаройи шошиб қолганидан дадаси нима деб жавоб беришни билмай, уни баргига босди, ўйлаб-ўйлаб, кейин жавоб топди.  
- Бирон бир киши, тўсатдан йиқилиб қолса, ўшанда худойи қилишади, ўғлим...  
Айни ёз чилласи. Бир тонг Жамшид қандайдир бақир-чақирдан уйғониб кетди. Аяси жойида йўқ. Шошиб турди-да, кўчага югурди. Кўчада анча-мунча одам йиғилган, томошабинлар ҳам бор. Жамшидга ўхшаган бир-иккита болалар эса катта бир нарсани кўраётгандай, тўхтовсиз у ёқдан бу ёққа югуришар эди. Кўчанинг ўртасида қўшниси Гулсара хола билан Зеби хола уришаётган экан. Уришаётганига анча бўлган шекилли, уларнинг юзлари тирналган, сочлари ивирсиб кетган эди. Иккаласи ҳам бир-бирининг сочини чангаллаб олган, азбаройи хотинларнинг "ҳай-ҳай"лашига ҳам эътибор беришмасди. Шу пайт Зеби хола чаққонлик қилиб қолди. Узун, ориқ аёл эмасми, ингичка қўлини бўшатиб олди-да, зарб билан Гулсара холанинг юзига тарсаки тортиб юборди. Гулсара хола бир-икки гандирақлади, сўнгра худидан кетиб, йиқилиб тушди. Аввалига ҳамма бирдан жимиб қолди, шекилли қўшнилари бири сувга, бири Гулсара холанинг уйига югурди. Жамшид бунақанги шовқинни, бунақанги жанжални биринчи бор кўриши эди. Гулсара хола ҳадеганда худига келавермагач, Жамшид чапак чалиб:  
- Ана, энди Гулсара холаникида худойи бўлади! - деди.  
Хамма Жамшиднинг гапига баравар "гурр" этиб кулиб юборди.  
**Дилором ЭГАМКУЛОВА, Бўстон шаҳарчаси.**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 20.00  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Бош муҳаррир: 134-86-91  
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46  
Оила, табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.  
«Олой» бозори ёнида.  
Web-site: oilavajamiyat.uz  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**  
**ОБУНА ИНДЕКСИ** - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 13423  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ  
Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — Х. ХОТАМБОВА  
Мусахҳих — С. САЙДАЛИМОВ  
1 3 4 5 6